Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 123 (7. 212) ◎ 1990 йил 1 июнь, жума ◎ Баҳоси 3 тийин

Танишинг: Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегати



ЎЗ ИШИНГИЗДАН МАМНУНМИСИЗ?

ОХУНБОБОЕВ номидаги Тошкентдаги бош кийимлар фабрикасида тайёрланаётган маҳсулотларнинг кўз олдимизга келтирганимизда халқимизнинг «Бош омон бўлса, дўппи топилур», «Дўст бошга, душман оёққа қарайди» сингари топиб айтган мақоллари бенхтиёр хаёлимиздан ўтди. Дарҳақиқат азиз бошимиз доимо омон бўлсин. Ана шунда ҳикмат катта. Шундай омон бошларга эса шу фабриканинг қўли гул чеварлари тайёрлаган маҳсулотлар чирой бағишлайверсин.

— Яқинда Бош универсал магазинига кириб бош кийим харид қилдим, — деб ёзади мушторийларимиздан хизматчи Акбар Холиқов. — Унинг сифати менга жуда маъқул бўлди. Яна манзур томони шундаки, у шаҳримиздаги бош кийимлар фабрикаси чеварлари томонидан тайёрлангани бўлди. «Мана бу бошқа гап, маҳсулотни одамларга ёқадиган қилиб тайёрласа бўлар экан-ку», деган сўзлар хаёлимдан ўтди.

Шу ерда муштарийларимизнинг бизга йўллаган мактубидан келтирилган сўзларга нуқта қўямиз-да, ушбу корхона жамоасининг маҳсулот сифати йўлида қилаётган саъй-ҳаракатларидан оқшомхонларни хабардор этмоқчимиз. Ва бу ерда ўз касбига ихлос қўйган ишчилар ҳақида ҳам гапириб ўтмоқчимиз. Уларку кўпчиликни ташкил этади. Бу чеварлар ҳақида мавриди билан албатта ҳикоя қиламиз. Лекин бугун гап Раҳима Умарова ҳақида бўлади. Нега дейсизми? Негалиги шундаки, коммунистлар унга юксак ишонч билдиришди. Раҳима Умарович Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига делегат этиб сайлашди.

— Ҳа, сифат учун кураш — ишимизнинг мезони бўлиб қолди, — дейди Р. Умарова. — Бунда албатта коммунистлар олдинги сафда боришяпти. Шундай бўлиши керак-да, ахир! Бинобарин, илгаригилари фабрикамиз маҳсулотлари пештахталарда қалашиб ётарди. Эндиликда эса уларнинг бозори чақкон. Бунинг сабаби ҳали айтганимдек сифатли матолардан сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошлаганлигидир. Бундай ишлардан бизлар чуқур қаноат ҳосил этяпмиз. Дунёда одам ўз ишидан қониқсин экан, Бунда катта ҳикмат бор-да! Ишга, топширилган вазифага виждонан ёндошиш, масъулият ҳиссини сезиб ишлашни мен ўзимнинг ишчилик, қолаверса коммунистик бурчим деб биламан.

Суратчимиз Тўлқин Каримов тасвирга туширган ушбу лавҳадаги ўйчан ва жиддий қиёфада ҳамкасабасига нималарнидир уқтираётганидан ҳам унинг касбини севиши, ўз бурчига содиқлигини англаб олиш қийин эмас...

Тонгги рўзномаларда

◎ СССР Президенти М. С. Горбачевнинг Канада ва АҚШга ташрифи тўғрисидаги расмий хабарлар эълон қилинган.

◎ Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг «Республика аҳолиси шахсий хўжаликларидаги моллар ва паррандаларни ем-ҳашак билан таъминлаш ва уларга чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисида»ги 1990 йил 10 май Фармонини бажариш учун ушбу Фармонни амалга оширишга қаратилган қарорининг баёни босилган.

◎ Шунингдек, республиканинг бошқарилиб турилаётган бозор иқтисодиёти принципларига ўтиш йўллари, янги шароитда турмуш даражаси пасайиб кетишига йўл қўймаслик чора-тадбирларига бағишланиб Ўзбекистон ССР Министрлар Советида бўлиб ўтган кенгайтирилган кенгашдан ҳисобот берилган.

Иқтисодиёт янгиликлари

Салкам миллион сўмлик

◎ «ТРАНСФОРМАТОР» ишлаб чиқариш бирлашмаси ўз маҳсулотлари билан мамлакатнинг энг муҳим қурилишларини таъминлаб туради. Бугунги кунда бирлашма чет элга, жумладан, 24 та хорижий мамлакатларга маҳсулот чиқармоқда. Хориж талаблари даражасида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзи бўлмайди, албатта. Корхона жуда кўп изланди, илмий ва амалий тажрибани ишлаб чиқаришга кенг тадбиқ қилди. Бирғина 1989 йилнинг ўзида янги техника ва технология асосида 52 та янгилик жорий этилди. Бу маҳсулот таннархини камайтиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Таннарх арзонлашиши ҳисобига 887,8 минг сўмлик иқтисодий самарадорликка эришилди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 89,7 миллион сўмни ташкил қилди. Корхона хўжалик юритишнинг янгича усулида ишлаб, бу йил маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 93,6 миллион сўмга етказиш учун курашмоқда.

С. МИРСАИДОВА.

Оммабоп буюмлар

◎ «СТРОЙПЛАСТМАССА» комбинати Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати министрлигининг пластмассадан маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ягона корхонасидир. Бу ерда йилига 31 миллион сўмлик 20 турдаги қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқарилади. Комбинатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар шаклан чиройли, сифатли, юқори дидли, қўлланишда қулай, қўшимча ишлов беришга муҳтож бўлмаган, зангламайдиган хусусиятларга эгадир.

Корхона ўз иш услублари ва маҳсулот турларини янгиламоқда. Сўнгги йилларда комбинат томонидан аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Қурилиш материаллари бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган даражага етди.

Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг «Капитал қурилиш» павильони шу кунларда ана шу корхонага бағишланган «Пластмассадан ишланган қурилиш материаллари ва буюмлари» кўргазмасини намойиш қилмоқда. Бу ерда асосан комбинатнинг сўнгги йилларда амалга ошираётган ишлари, маҳсулот намуналари бор.

Д. ҚАЮМОВ.

ГИЛАМДЕК КЎРКАМ БЎЛАДИ

◎ ТОШКЕНТ автомобиль йўллари институти ва Ўрта Осиё ирригация илмий текшириш институти олимлари ишлаб чиққан Чирчиқ «Электрохимпром» бирлашмаси оқава сувларидан пластификаторлар олиш технологияси Фарғона фуранли бирикмалар заводи учун жиддий рақобатни вужудга келтириши мумкин. Олимларнинг мазкур тавсиясидан фойдаланилганида бу маҳсулотни тайёрлаш ҳозирги технология асосида ишлагандагидан 30 баравар арзонга тушади.

Янгилик Тошкент темирбетон буюмлари заводида синаб кўрилди. Уни жорий этишдан бир йилда олинган иқтисодий самара 160 минг сўмни ташкил этди. Ишлаб чиқарувчиларнинг илтимосларига кўра олимлар яна бир технологияни — составни паста ва кукун тарзида тайёрлаш усулини ишлаб чиқдилар.

Линолеум ишлаб чиқаришда асбест ўрнига ана шу пастадан ҳам фойдаланиш мумкин. Унда линолеумнинг хусусиятлари яхшиланади.

Энди кўп иш «Электрохимпром» бирлашмасига боғлиқ. Бу ерда катта миқдордаги концентрацияланган оқавалар ҳамон чиқиндига чиқариб юборилмоқда. Баҳоланки, бу оқавалар пастага айлантирилса, йилига ўн миллион сўм даромад қилиш мумкин.

(ЎзТАГ мухбири).

В. И. ЛЕНИННИНГ ТАНЛАНГАН АСАРЛАРИ

Снёсий адабиёт нашриёти В. И. Ленининг ўн жилдли танланган асарлари биринчи жилдини босмадан чиқарди. Нашрга Ленининг энг муҳим асарлари киритилади. Булар орасида В. И. Ленининг «Халқлар дўстлари» нима ва улар социал демократларга қарши қандай курашмоқдалар?», «Россияда капитализмнинг ривожланиши», «Нима қилмоқ керак?», «Бир қадам олдинга, икки қадам орқага», «Давлат ва революция», «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари», «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали», «Озиқ-овқат солиғи тўғрисида», деган мақолалари ва сўнгги мактублари ҳамда мақолалари, бошқа асарлари бор.

Нашр илмий маълумот билан таъминланган бўлиб, у китобхоннинг Ленин матнини янада тўлароқ ва ҳар томонлама ўрганишига кўмаклашади.

В. И. Ленин асарлари тўла тўплами негизида тайёрланган мазкур нашр бир қанча афзалликларга ҳам эга. Унда лениншунослик соҳасида ҳозирги илмий ютуқлар ҳисобга олинган.

Нашр партия, комсомол ва касаба уюшмаси фаоллари кенг доирасига, студент ва аспирантларга, В. И. Ленин ғоявий-назарий меросини ўрганишга қизиқаётган барча китобхонларга мўлжалланган.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

● Ҳукумат республика Министрлар Советининг 1990 йил 16 апрелда қабул қилган «Халқ истеъмоли молларининг бир қанча турларини Ўзбекистон ССРдан ташқарига олиб чиқиб кетишни чеклаш тўғрисида»ги қарорига қўшимча қабул қилди.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва жойлардаги вилоят ижроия комитетларига аниқ вазиятдан келиб чиқиб, республикадан ташқарига жамоат ва хусусий секторларда етиштирилган картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари, хўл мева, резавор мева ва узумни олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги масалаларни зудлик билан кўриб чиқишни топширди. 1990 йил ҳосилини етиштириш ва тайёрлашнинг кутилаётган баланси албатта ҳисобга олинади.

Ҳукумат колхоз, совхоз, бошқа давлат ҳамда кооператив корхоналар меҳнатчиларининг, ижарачилар, хусусий ёрдамчи хўжалик эгаларининг истагини инобатга олиб, ана шундай қарор қабул қилди. Бунда эртанги мева ва сабзавот олиб келиниши кўпайиши кутилаётгани ҳисобга олинди, уларни ўз вақтида сотиш учун зарур шароитлар, етиштирилган маҳсулотнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик кўзда тутилди. Ҳар бир ҳолда маҳсулот олиб чиқиб кетилган маҳсулот ўрнини тўлдириш учун рухсатнома Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, вилоят ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети, «Ўзбекистон» жумҳурият ишлаб чиқариш давлат-кооператив бирлашмаси ва Ўзбекбирлашув томонидан берилади. Бунда умуминттифоқ ва жумҳурият фондига маҳсулот етказиб бериш планларининг бажарилиши, қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш программалари таъминланиши, бозор нархларининг аҳолининг қурби етадиган даражада пасайтирилишини таъминлайдиган ҳажмда ва турдаги шундай маҳсулотлар билан бозорни тўлдириш мажбурий шартлардир.

Жумҳуриятдан ташқарига мева-сабзавот маҳсулотларини жўнатишга пландан ташқари маҳсулот ресурслари мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари, бинокорлик материаллари ва бошқа материал-техника ресурслари билан ўзаро алмашиш учун рухсат берилади. Амалда олиб чиқиб кетилган маҳсулот ҳажмлари маҳсулот тайёрлаш ва етказиб бериш планларининг бажарилишига киритилади.

Чайқовчиликка йўл қўймаслик мақсадида мева ва сабзавотларни воситачи ва кооператив ташкилотлар олиб чиқиб кетиши тақиқланди. Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигига мазкур маҳсулотнинг жумҳуриятдан ташқарига олиб чиқиб кетилиши тартибига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш вазифаси юкланди.

Бу ҳужжатда қайд этилишича, «Халқ истеъмоли молларининг бир қанча турларини Ўзбекистон ССРдан ташқарига олиб чиқиб кетишни чеклаш тўғрисида»ги қарор қабул қилинганидан сўнг Тошкент, вилоят марказлари ва жумҳуриятнинг бошқа шаҳарларидаги бозорларга мева ва сабзавотларнинг кўплаб турлари келиши анча кўпайди, шунга мувофиқ нархлар ҳам пасайди.

Халқ истеъмоли моллари бир қанча турларининг олиб чиқиб кетилиши анча тартибга солинди. Масалан, мева-сабзавот маҳсулотлари, асал, гуруч, бинокорлик материаллари ва бошқа молларни жўнатишга қўплаб урунишларнинг пайи қирқилди.

Шундай қилиб, мазкур қарор чиққан вақтдан буён ўтган давр мобайнида автомобиль йўлларида, темир йўл вокзалларида, аэропортларда уч юзта ана шундай уриниш аниқланган ва жумҳурият бозорларига 1300 минг сўмлик турли моллар, шу жумладан 131 минг сўмлик 125 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулоти, 190 минг сўмлик бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, 959 минг сўмлик саноат моллари қайтариб берилган.

Маҳаллий Советлар, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг ходимлари жойларда чайқовчиликка йўл қўймаслик чора-тадбирларини кучайтиришлари керак.

Айни вақтда Ўзбекбирлашув корхоналари ва жумҳурият Давлат кооператив қишлоқ хўжалиги комитети ташкилотларига аҳолидан ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўз вақтида харид қилиб, ўзаро фойдали шартномалар асосида жўнатишни ташкил этиш, бу ишда сансалорлик ва қийинчиликларга йўл қўймаслик учун барча шарт-шароитларни яратиб беришлари керак.

Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги, Граждан авиацияси бошқармаси маҳсулот олиб чиқиб кетиш борасида ўрнатилган тартибга қатъий риоя қилишлари, мижозларни транспорт воситалари билан ўз вақтида таъминлашлари, жўнатиш пунктларида ва йўлда маҳсулот тўпланиб қолиши ва бузилишига йўл қўймасликлари шарт.

Бу йилги конференция — шундай анжуманларнинг биринчисидир. Кейинчалик жаҳондаги бошқа мамлакатларда ҳам ана шундай конференциялар ўтказилади. Тинчликни зўравонликсиз сақлаб қолиш мумкинлигига ишончимиз комил. Бунинг учун барча кишилар ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини яхши билиб, қуролсизланиш учун, ўзимизнинг дунёвий муаммоларимиз ҳал этилиши учун курашишлари муҳимдир. Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министрлиги конференцияни ўтказишда фаол ёрдам берганлигини таъкидлаб ўтиш зарур.

ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН—ХАВФСИЗЛИК УЧУН

Тошкентда ўтаётган халқаро конференцияда жаҳондаги турли мамлакатлардан келган мутахассислар хавфсизликнинг ҳарбий соҳага тааллуқли бўлмаган жиҳатларини кўриб чиқмоқдалар. Конференцияни БМТнинг қуролсизланиш муаммоларини тадқиқ этувчи ихтисослашган институти (ЮНИДИР) БМТга қўмаклашувчи Ўзбекистон уюшмаси билан биргаликда уюштирдилар. Конференцияда ЮНИДИР директорининг ўринбосари, профессор С. Сюр иштирок этмоқда.

СССР, АҚШ, Франция, Норвегия, Швейцария, Австралия, Бангладеш олимлари мамлакатлар ўртасидаги ишончни музокаралар йўли билан, экология, ижтимоий ва бошқа муаммоларни ҳал этиш билан ривожлантиришга боғлиқ масалаларнинг кенг доирасини кўриб чиқадилар.

ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда БМТга қўмаклашувчи Ўзбекистон уюшмасининг раиси, Тошкент давлат университетининг профессори Г. А. Ҳидоятов бундай деди:

— Уюшмамиз бу йил ташкил этилган. Бирлашган Миллатлар» Ташкилоти ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва тарғиб этиш, тинчлик учун курашнинг аҳамияти тўғрисидаги жамоатчилик фикрини вужудга келтириш унинг вазифасига киради. Биз 1947 йилда БМТ қабул қилган инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси («Билль ҳуқуқлар ҳақида»)ни ўзбек тилига таржима қилдик, мактабларда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги дарсларни ўтказиш программасини ишлаб чиқмоқдамиз. Бу йилги конференция — шундай анжуманларнинг биринчисидир. Кейинчалик жаҳондаги бошқа мамлакатларда ҳам ана шундай конференциялар ўтказилади. Тинчликни зўравонликсиз сақлаб қолиш мумкинлигига ишончимиз комил. Бунинг учун барча кишилар ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини яхши билиб, қуролсизланиш учун, ўзимизнинг дунёвий муаммоларимиз ҳал этилиши учун курашишлари муҳимдир. Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министрлиги конференцияни ўтказишда фаол ёрдам берганлигини таъкидлаб ўтиш зарур.

◎ Совет ҳукуматининг бошлиғи Н. И. Рижковнинг бошқарилаётган бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисидаги маърузасида 1990 йил июль ойидан бошлаб нон маҳсулотлари, кейин эса саноат буюмлари қимматлашиши мумкинлиги тўғрисида билдирилган фикрлар бутун мамлакат аҳолиси ўртасида ташвиш уйғотди. Ватанимизнинг барча минтақаларида, шу жумладан, Тошкентда ҳам ҳукумат режаларини эшитган кўпчилик ўзини магазинларга урди. 2—3 кун ичида жуда кўп озиқ-овқат дўконларидаги пештахталардан ун, гуруч ва пахта ёғи (қуйилиб сотиладиганлари) ғойиб бўлди.

Кунн кеча биз шаҳар кезиб, озиқ-овқат дўконларн олдида савдо ходимларн, жуда кўп харидорлар билан суҳбатлашдик.

Собир Раҳимов район озиқ-овқат савдоси бўлимига қарашли Ҳамза кўчасидаги 38-магазинга келиб-кетувчиларнинг кети узилмайди. Ҳаммасининг оғзида бир-бирига ўхшаш учта савол:

— Гуруч борми?

— Кеча тамом бўлди-я, — жавоб қайтаради катта сотувчи Тошгул Муҳаммадбоева.

— Пахта ёғи-чи?

— Шишадагиси бор, қуйиб сотиладиганн яқинда келиб қолади.

— Ун бўлармикин?

— Бўлади, албатта бўлади!..

Магазин директори Тошпўлат Қосимов изоҳ беради:

— Михаил Сергеевич Горбачев телевидение орқали сўзлаган нутқида бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш тадбирларини шарҳлаб, халқнинг азият чекмаслиги таъминланишини рўй-рост айтди. Қолаверса, жумҳуриятимиз Президенти ва ҳукуматнинг ўзбек ўлкасида озиқ-овқат маҳсулотлари нархини барқарор ушлаб туриш, кам даромадли оилалар, аёллар ва уруш ногиронларига моддий ёрдам кўрсатиш юзасидан белгилаётган чораларидан хабардормиз. Ўзбекистон раҳбариятининг озиқ-овқат танқислигига йўл қўймаслигига наҳотки ишонмасак?

— Шундай бўлсаям ташиб кетишаяпти, денг...

— Ҳа, қоплаб ун,—неча ўнкилолаб гуруч, 40—50 килодан ёғ харид қилишаяпти. Мана, кўриб турибсиз, пештахталарда макарон, вермишель, 2-нав ун ва майда гуручдан бўлак ҳеч нима қолмади.

— Савдо ходимлари учун бунинг нимаси ёмон?

— Илгари ҳам шу хилдаги миш-миш тарқалганда сотиб олинган қоп-қоп ун ва гуруч га мита тушиб, улар пинҳона шаҳар аҳолирларига тўкиб ташланган эди. Уволку, ахир!..

Октябрь район озиқ-овқат савдоси бўлимига қарашли 23-магазинининг катта сотувчиси Қўчқор Рихсиевнинг бир харидор аёл билан суҳбатлашиб турганн устидан чиқдик. Шу атрофда турадиган опахонининг исми-шарифи Саодат Ҳикматова экан.

— Бу 3—4 қоп ун, жуда кўп миқдорда гуручни ғамлаб нима қиласиз?

— Саккиз фарзандим, 22-невара-чевараларим бор. — деди Саодат хола, — қимматчилик бошланса, қийналиб қоламизми, деб қўрқаяпман.

— Сизга осон, — дея суҳбатга аралашди унинг ён қўшниси Маҳмуджон исмли ўрта яшар киши, — ўғил-қизларингиз топармон-тутармон. Ўзингиз ва поччам нафақа оласизлар. Мен эса саккиз нафар ўсмирларимни едириб, кийинтиришим керак. Келининигиз уй бекаси, бир ўзим ишлайман...

Шу районга қарашли 26-магазин олдида икки қоп юкни қўлаки ғилдиракли аравада аранг судраб кетаётган кексага рўбарў бўлдим. У ўзини Владимир Редько деб таништирди.

— Отахон, унни кўпроқ ғамлабсиз?

— Москвани эшитдингми? Июлдан бошлаб озиқ-овқат қимматлашармиш... Агар нарх кўтарилса, 70 сўм нафақам кампирим икковимизга етармиди... Ҳаёт тасодифларга тўла, ҳаркалай, олдинн олиш керак.

Мазкур магазин директорининг муовини Маъмуржон Султонов фикр билдирди:

— Мен М. С. Горбачевнинг телевидение орқали сўзлаган нутқини диққат билан эшитдим. У ноннинг бекадр бўлиб қолганлигини куюниб гапирди. Рост-да, халтачаларга солиб, ахлат қутиларига ташланган ризқ-рўзимизни кўриб юрагинг ёнишиб кетади. Баъзи ошхоналардан чиққан қопқоп нон бўлакларн билан моллар боқилаяпти. Айрим кимсалар парҳез буханкалар ҳисобига қўй ва чўчқаларини семиртиришаяпти. Нон нархи бироз ошса, эҳтимол, бу хилдаги нонкўрликка барҳам берилармиди...

Киров районига қарашли 39-магазин директори Мақсуджон Аҳмедов бўшаб қолган пештахталарни кўрсатиб бундай деди:

— Назаримда, харид тақсимотини йўлга қўйиш учун тезроқ бирор тадбир белгилаш лозим. Акс ҳолда бир пайтлар вақмага тушиб, қоплаб туз, катта қутиларда гугурт олиб, кейинчалик уларни магазинга топширолмай оворе бўлганларидек бугал ҳам аҳолн шу аҳволга тушиб қоладими, деб чўчияпман. Негаки, вақмага тушишга асло ўрин йўқ. Боиси, ўтган ҳафтанинг пайшанба куни Н. И. Рижков ўз маърузасида нарх-наво беш йил давомида ҳукумат назорати остида бўлади, деб очиқ-ойдин айтди...

Субҳидамдан чошгоҳгача уч соат давомида Ленин районидаги 39-, Куйбишев районидаги 21-, Акмал Икромов районидаги 30-магазинларга ташриф буюриб, кўплаб харидорлар, савдо ходимлари, пойтахтимизнинг қанчадан-қанча меҳмонлари билан суҳбатда бўлдик. Тасодифан бизга рўбарў келган олим, фан номзоди Мажид Ҳасанов одамлардаги бу саросималикни қуйидагича изоҳлаб берди.

— Аввало, биз бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишга тайёрмизми? Боринги, тайёрмиз ҳам дейлик. Аммо иқтисодий ислоҳотнинг умумдавлат аҳамиятига молик бу турини оддий кишилар нари турсин, ҳатто кўпгина билимдон зиёлиларимиз ҳам билишмайдику! Шунинг учун, биринчи галда, бозор иқтисодиётининг моҳиятини рўзномаларимизда лўнда қилиб аҳолига тушунтириб бериш зарур эди. Агар шундай қилинганда одамларни вақмага солиб қўймаган бўлур эдик. Ҳозир эса ғишт қолипдан кўчди. Эндиликда зудлик билан савдони ташкил этишни тартибга солиш юзасидан кескин ва аниқ тадбирларни амалга ошириш зарур. Бу вазифа куни кеча жумҳуриятимиз вазирлар кенгашининг аҳолига озиқ-овқат ва саноат молларн сотишни барқарорлаштиришга доир муваққат чоралар тўғрисидаги қарорида ҳам таъкидлаб ўтилган...

Биз мазкур ҳукумат қарорининг ижроси юзасидан ҳамда харид ишларини барқарорлаштириш учун нима ишлар қилинаётганлигини сўраб Тошкент шаҳар савдо бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Мирфозил Мираюповга мурожаат қилдик.

— Шаҳар ижроия комитети, — деди Мирфозил Орипович, — мавжуд аҳволни тезроқ яхшилаш учун аниқ тадбирларни ўз ичига олган махсус қарор қабул қилди. Унда шу йил 30 майдан бошлаб аҳолига саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотишнинг муваққат тартиби белгиланди. Жумладан, маҳсулотлар кишиларга уларнинг шаҳарда истиқомат қилишини билдирувчи шахсий ҳужжатлари, жумладан, паспорт, хизмат ва нафақа гувоҳномалари, талабалик билетларига қараб сотилади. Шаҳарда мавжуд маҳсулот ҳажмига қараб харид қилишнинг муваққат нормалари белгилаб чиқилди. Масалан, ун, гуруч, макарон, чой, ўсимлик ва мол ёғи ҳар бир савдо шохобчасига тақдим этилган рўйхатга мувофиқ киши бошига белгилаб қўйилган миқдорда сотилади. Саноат моллари сотиш миқдори ҳам аниқ белгилаб чиқилди.

Қарорда тўйлар, дафн маросимлари, марҳумлар ҳурмати учун ўтказиладиган маросимлар, халқ анъаналари ва удумлари ва бошқа тадбирларни ўтказиш учун саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш нормасига алоҳида эътибор берилган. Ногиронлар ва Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига хизмат кўрсатишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинди. Шунингдек, хизмат юзасидан шаҳримизга келган меҳмонлар эҳтиёжлари ҳам ҳисобга олинди.

Энг муҳими, аҳолини маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаб туриш учун планга қўшимча ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига маҳсулот запасларини вужудга келтиришнинг аниқ тадбирлари белгиланди.

Шаҳар халқ назорати комитети ва ички ишлар бошқармасига мазкур қарорни қатъиян назорат қилиб бориш, тартибни бузган шахсларга нисбатан қаттиқ жазо чоралари белгилаш вазифалари юкланилди. Шулардан кўриниб турибдики, ҳамшаҳарларимизнинг ташвишга тушишлари учун асос йўқ.

Ҳа, ваҳимага берилманг, азизлар!

А. НУРИМОВ,
«Тошкент оқшоми»нинг махсус мухбири.

Долзарб мавзуда

ВАҲИМАГА БЕРИЛМАНГ!

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан

ЛЕНИН БИЛАН МАСЛАҲАТЛАШИБ

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ ўзининг XXII партия съездига тайёргарлик кўрар экан, ҳар бир коммунистнинг бугунги кундаги масъулияти, қайта қуришдаги ўрни ҳақида тўхталиб, билвосита Ленин партияси ривожига назар ташлаймиз. Улуғ Октябрь социалистик революцияси В. И. Ленинниинг бевосита иштирокида содир бўлди — янги ижтимоий тузум вужудга келди. Бу тарихий, ҳаққоний ҳақиқат. Шунинг учун ҳам Улуғ Октябрь революцияси ҳақида сўз борар экан, В. И. Ленинниинг социалистик революция тўғрисидаги назариясини қайта-қайта ўқиб, фикрлашимиз зарур.

Биринчи жаҳон урушининг бошланиши Россияда революцион вазиятнинг юксалишига ва унинг амалга оширилишига ҳамма шарт-шароитлар борлигини юзага келтирди. В. И. Ленин илмий-назария, тарихан асосли мақолалар яратди: «Пролетар революциясининг ҳарбий программаси», «Европа Қўшма Штатлари шиори тўғрисида», «Великороссларнинг миллий ифтихори ҳақида» ва ҳоказо. Жаҳон урушида Россия давлатининг иштироки, энг муҳими ленинчи революцион партиянинг вазиятга қараб зукко иш олиб борганлиги, тарихий жараён — социалистик революциянинг ғалаба қилиниши билан якунланди. Бу тарихий ҳаққониятни ҳар йўсинга солиш, гўё ҳали Россияда революцион вазият етилмади деб, В. И. Ленинга тош отишлар содир бўлмоқда.

В. И. Ленин партия программасини ишлаб чиқар экан, миллий масалага алоҳида эътибор беради. РСДРПнинг II съездида, биринчи партия программасида ҳам миллий масала қўйилди. Шундан кейин ҳам В. И. Ленин партия миллий программасини ривожлантириб борди. Улуғ Октябрь революциясидан бироз вақт ўтиши билан В. И. Ленин «Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси»ни эълон қилади. Декрет тарзида қабул қилинган бу ҳужжатда миллат ва элатларнинг социалистик инқилобдан кейинги ҳақ-ҳуқуқлари эътироф қилинди. Лекин бу тенглик, эркинлик, тўла ҳуқуқлилик эркин ва суверен ривожланишга тўла амал қилиндими?

Улуғ Октябрга қадар В. И. Ленин Туркистон (Ўрта Осиё) халқлари тақдири ҳақида ўз асарларида 140 марта тўхталиб, унинг ҳал бўлиши бевосита Россия халқлари, пролетариатнинг жипслиги, социалистик революция ғалабаси билан боғлиқ эканлигини қайд қилди. Биринчи Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Совети томонидан 1919 йил 8 октябрда В. И. Ленин Туркистон ишлари бўйича комиссия тузиш ҳақидаги қарорга қўл қўяди. Туркомиссия асосан ўлкада миллий муносабатларни такомиллаштириш, бу ердаги турли миллат ва элат вакилларининг тўла тенглигига, эркинлигига ва тўла ҳуқуқ асосида суверен ривожланишига алоҳида эътибор берди.

СССР тузилганга қадар бу масалада ижобий силжишлар бўлди. В. И. Ленин ўз вақтида Туркистон Компартияси таркибида тузилган мусулмон бюроси раиси Т. Рисқулов билан миллий масала бўйича баҳс юритар экан, ҳар бир миллат ва элатнинг тенгҳуқуқлиги учун, бирорта катта ёки кичик миллат ва элатнинг йўқлиги, уларни у ёки бу борада обрўли қилиш ёки обрўсизлантириш мумкин эмаслигини қайд қилди. Айниқса, В. И. Ленин рус шовинизмига, унинг содир бўлиши мумкин эканлигига эътибор бериб, катта-кичик миллат ва элат бўлмаслигини қайта-қайта таъкидлади.

Сталин даврида бу масалага панжа орасидан қаралди. Мен бир мисол келтираман: А. Икромов — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари 1929 йил 5-майда Сталинга мактуб йўллаб, умуман миллий масалада В. И. Ленин илгари сурган назария — тенгҳуқуқлилик, тенглик, эркин ривожланиш, тиллар равнақи амалга оширилмаётганлиги, агар 1926 йилда республикада этник группаларда она тилида ўқитиш олиб борилган бўлса, энди чекланаётганлигини қайд этди. Бу мактубга Сталиндан жавоб келмади, чора ҳам кўрилмади. Лекин баҳслашишни ёқтирмайдиган Сталин 1937 йилга келиб... А. Икромовга — манзур мактубни эслатади. Мен бевосита атоқли партия ва давлат арбоби Акмал Икромовнинг ўғли — таниқли ёзувчи (марҳум) Комил Икромов билан ҳамсуҳбат бўлиб, бу фикрлар гувоҳи бўлдим.

30-йилларга келиб, миллий тенг ва тўла ҳуқуқли ривожланишга бирин-кетин чек қўйила бошланди. «Жизнь народностей» («Халқлар ҳаёти») журнали нашри тўхтади, СССР Халқлари нашриёти тарқатиб юборилди, миллий ишлар Халқ Комиссарлиги эса 20-йилларда ман қилинган эди.

Улуғ Ватан уруши йилларида бутун-бутун миллат ва элатларнинг ўз она-юртидан бошқа юртларга бадарға қилинишини қандай тушуниш керак? Табиатан ниҳоятда мўътадил Кавказдан, Қримдан, Ўрта Волга бўйларидан курдлар, месхетиялик турклар, чеченлар, болқарлар, Қрим татарлари, Волга бўйи немислари Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари ва Сибирга ҳайдалдилар.

Ҳар бир миллат ва элатнинг тўла ва тенг ҳуқуқлилиги — унинг ўзлигини англаш, территориал бирликка эга бўлиш, она тилини равнақ топтириш, миллий ғурурини оёқ ости қилмасликдир. Шундагина, Қозоғистон ёки Грузияда, Тожикистон ёки Озарбайжонда, Молдавия ёки Ўзбекистондаги каби миллий можаролар бўлмайди.

Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, қайта қуриш — инқилобий янгиланиш ривож топган сайин В. И. Ленин таълимотига қайтақайта мурожаат қиламиз, у билан маслаҳатлашамиз. Миллий масалага ленинча ёндошиш бунинг яққол мисолидир. Шу боисдан КПСС Марказий Комитети қарори билан В. И. Ленин тўла асарлари тўпламининг олтинчи нашри чоп қилинади. У 65—70 томга етиши мумкин. Ҳозир қизғин илмий изланиш ишлари олиб бориляпти.

Карим НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори.

Иш билан бандлик

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

⊙ Шаҳар Совети ижроия комитети қошида иш билан бандлик масаласи билан шуғулланувчи махсус комиссия ўз фаолиятини давом эттиряпти. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг махсус қарори қабул қилинганидан сўнг ташкил этилган бу комиссия ҳозиргача қатор тадбирларни амалга оширди. Яқиндагина комиссия Тошкент шаҳри аҳолисининг ишга лаёқатли бўлган қисми рўйхатини якунлади. Турар жойларда, маҳаллаларда, район Совети ижроия комитетлари, талабалар, маҳалла комитетлари ва уй-жой бошқармалари бу ишда фаол қатнашдилар. Турар жойларни текширишнинг дастлабки якуни аниқланди. Бу натижаларга кўра Тошкент шаҳрида 2076,9 минг аҳоли истиқомат қилар экан. Ўтган 1989 йили уларнинг 1.154.499 нафари ишга лаёқатли деб топилган. Бу йил эса меҳнатга лаёқатлилар сони 1. 126.118 нафарни ташкил этди.

ШАҲАР режалаштириш идорасининг берган маълумотларига кўра пойтахтимизнинг 49 минг аҳолиси иш билан таъминланмаган. Лекин комиссиянинг ҳисоб-китобларида эса ишсизлар 31990 кишини ташкил этгани кўрсатилган. Қизиқ, наҳотки бир йил ўтар-ўтмас меҳнатга лаёқатли ишсизлар сони шунчалик қисқарди? Ахир, бу ижтимоий муаммони ҳал қилишга эндигина киришилди-ку. Наҳотки мутасадди ташкилотлар шунчалик самара билан иш бошлашди?!

Тошкент шаҳар аҳолини ишга жойлаштириш, касбга йўллаш ва қайта ўқитиш маркази директори Л. В. Боришченко бу саволимизни ойдинлаштирди. Унинг изоҳлашича, биринчи кўрсаткичда уйида шахсий хўжалик юритадиган, экин экиб, мол боқадиган, лекин давлат корхонасида меҳнат қилмаётган кишилар ҳам «иш билан таъминланмаган» деб рўйхатга олинган экан. Бу сафар эса уларни иш билан машғуллар сафига киритишга қарор қилиниб, ҳозир 2543 нафар киши ана шундай хўжалик юритиш билан машғул экан.

Бу ўринда «Иш билан бандлик» комиссияси ҳамда аҳолини ишга жойлаштириш маркази ходимларининг ўз вазифаларига сидқидилдан ёндошганларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Уларнинг меҳнатлари қайси районда ишни қай йўсинда ташкил этиш зарурлигини режалаштириш имконини беради. Буни район мутасадди раҳбарлари ўз иш дастурларига биринчи навбатдаги масала деб киритмасалар, муаммо янада йириклашиб кетаверади. Рўйхатга олиш якунларига кўра районларда ишсизлар сони қуйидагича: Собир Раҳимов райони — 5618 нафар, Куйбишев райони — 4120, Ҳамза ва Киров — 3600, Чилонзор — 3000, Октябрь — 2883, Ленин — 2613, Сергели — 2362, Фрунзе — 2290, А. Икромов райони — 1804 нафар лаёқатли кишилар иш билан таъминланмаган.

Иш билан банд бўлмаганларнинг ёши, танлаган касби ва бугун нима сабабдан ишламаётгани ҳақида тўлиқроқ маълумот берилиши лозим. Чунки бу кишиларга рўйхатга олувчилар томонидан махсус карточкалар топширилган бўлиб, улар ўз ишламаслик сабабларини ҳужжатларда кўрсатиб ўтишган. Лекин умумий натижалар ҳали аниқ эмас. Шу ўринда комиссия иши давомида жойлардаги ўртоқларнинг ишга ҳалол берганликларидан кўз юммаслик керак. Иш бошланишидан олдин аҳолини рўйхатга олиш мақсадлари матбуотда чоп этилиб, буянинг аниқ-равшан сабаблари кўрсатилган эди. Бирдан-бир мақсад — ҳаммани иш билан таъминлаш. Лекин аксарият хонадонларнинг рўйхатга олувчиларга шубҳа билан қараганларини, уйларида ишламай юрган бекорчилар бўла туриб, уларни айтмаганларини, шунингдек Тошкент шаҳри прописка сидан ўтмаган кишиларни яширганларини айтиб ўтиш лозим. Айрим одамларнинг шундай нотўғри йўл тутишлари, ишончсизлиги ишни анчагина мураккаблаштирди.

Мана, иш билан банд бўлмаган аҳоли ҳам аниқланди. Бугунги кунда комиссия ишини давом эттиряпти. Жойларда ишсизликка барҳам бериш ва одамларнинг меҳнатга талабини қондириш ниятида Молия вазирлиги 94 нафар хизматчини «Иш билан бандлик» хизматига жалб қилишга қарор қилди. Бу кишилар ўзларига ажратилган ҳудуддаги аҳолининг фойдали меҳнат билан машғул бўлишини таъминлашлари лозим. Ҳозирги кунда 46 нафар ходим ўз ишига киришиб кетди. Агар ходимлар сони белгиланган 94 нафарга етса ишда жиддий силжиш бўлишига ишонч боғлаш мумкин. Бу борада Куйбишев районида 9 нафар хизматчининг астойдил ишга киришиб кетганини таъкидлаб ўтиш керак. Ҳозирча шаҳримизда 1 хизматчига 400 ишсиз аҳоли тўғри келаётганини ҳисобга олсак, уларнинг зиммасига юкланган масъулият қанчалик катталигини ҳис қилиш қийин эмас.

Дастлабки амалий қадамлар ташланди! Иш билан бандлик муаммосини ҳал этишга ҳамма бош қўшиши керак. Кичик-кичик корхона ва уларнинг бўлимларини жойларда бир хил тақсимлаш керак. Ўнта корхонани бир ҳудудга тиқиштириб, бошқа жойлардаги йўлларни, меҳнат ресурсларини ёддан чиқармаслик зарур. Бугун шаҳримиздаги Бош қурилиш бошқармаси, «Трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, мотор заводи, тўқимачилик комбинатларининг бўлинма ёки филиаллари кўпроқ бўлса, улар ҳам «ишчилар кераклиги» ҳақидаги эълонларни камайтирган бўлармидилар?

В. МАДИМАРОВА.



⊙ ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШДА. «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг малакали конструктори Альберт Уразай ва Елизавета Шрамко янги чизмалар устида изланишяпти.

Р. Шарипов сурати.

ХАРИДОРГИР МОЛЛАР

⊙ «УЧҚУН» тўқимачилик-атторлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчилари йил бошидан 9 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Шундан 400 минг сўмликдан ортиғи режага қўшимча кенг истеъмол буюмларидир. Олинган қўшимча фойда 45 минг сўмни ташкил этди. 11 хил янги рўмол, сочиқ каби маҳсулотлар харидорларга маъқул. Ойлик режаларини муттасил 20 фоизгача ошириб адо этаётган илғор бригадалардан М. Самигжонов, М. Назирхонова, О. Пронкина, З. Абдуллаева, Ш. Хабибраимонова кабиларни намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Ўнлаб чеварлар коммунистлар анжумани очиладиган кунгача беш йиллик режаларини бажаришга аҳд қилдилар.

С. СУЛТОНОВ.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«Ёзда чанг, қишда лой»

⊙ Ана шу сарлавҳа остида «Тошкент оқшоми» рўзномасининг 3 апрель сонида танқидий мақола чоп этилиб, унда Ҳамза районидаги Оҳанграбо кўчасидаги ўтар кўчаларнинг аҳволи баён қилинган эди.

Бу мақолани текширган Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ободонлаштириш Бош бошқармаси бошлиғи М. Зуфаров таҳририятга кўрилган тадбирлар хусусида қуйидаги мазмунда мактуб йўллади:

— «Ободонлаштириш бошқармаси мақолада кўтарилган масалаларни тегишли ташкилотлар иштирокида ўша жойнинг ўзига бориб текширди. Унда тилга олинган фактлар тўғри деб топилди. Оҳанграбо кўчасининг ўтар кўчалари ҳақиқатан Ҳамза райони ҳисобида туради. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1987 йил 15 декабрдаги қарорига кўра бу район шу кўча ва йўлларни бошдан-оёқ ва жорий таъмирлаш буюртмачиси ҳисобланади.

Ҳамза район ободонлаштириш бошқармаси бизга Оҳанграбо кўчасининг ўтар кўчалари шу йилнинг IV уч ойлигида албатта жорий таъмирланади, деб ваъда берди.

Тошкент шаҳар ёритиш корхонаси эса ташқи ёритиш жиҳозларини созлади ва у ҳозир рисоладагидек ишлаб турибди».

Хат босилмаса ҳам

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

⊙ Бир гуруҳ Улуғ Ватан уруши қатнашчилари «Тошкент оқшоми» рўзномасига хат билан мурожаат қилишиб, шаҳар чеккаси уёқда турсин, ҳатто унинг марказ саранжом-саришта эмаслиги, ўз вақтида супуриб-сидирилмаётгани, ифлос бўлиб ётиши, умуман бу борада шаҳарга сон кирмаётгани танқид қилинган эди.

Бу хат атрофлича таниишиб, тегишли чора-тадбирлар кўриш учун Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ободонлаштириш бошқармасига юборилган эди. Бошқарма бошлиғининг ўринбосари Ғ. Рустамов имзоси билан олинган жавоб хатида, жумладан, шундай дейилади.

«Тошкент оқшоми» рўзномаси таҳририяти номига йўлланган хат ободонлаштириш Бош бошқармаси томонидан атрофлича кўриб чиқилди.

Хатда кўтарилган мавзу юзасидан шуни маълум қилаимизки, ҳақиқатан унда қайд этилганидек, шаҳримизни ободонлаштириш ва озодалигини таъминлаш ишларига бир талай ечилмаган муаммолар кўндаланг бўлиб келмоқда. Шаҳар хўжалигининг бу тармоғи зарур бўлган маблағнинг атиги 35 фоизи, ишчи кучининг 42 фоизи ва техника воситаларининг эса атиги 44 фоизи билан таъминланган, холос. Албатта, бунга сабаб мамлакатимиз иқтисодидаги танглиқдир.

Хатда келтирилган нуқсонлар билан шаҳар хўжалигига қарашли корхона ва ташкилот раҳбарлари таништириб чиқилди. Бу камчиликларга барҳам бериш учун ҳозир тегишли чоралар белгиланди».

СИФАТСИЗ МАҲСУЛОТ ҚАЙТАРИЛДИ

⊙ Мен 1989 йилнинг 13 март куни «Болалар дунёси» фирма-магазинни филиалидан «ФЭД—5С» суратга олиш аппаратини сотиб олган эдим, деб ёзган эди таҳририятга йўллаган хатида оқшомхон О. Турғунов. У ўз хатида аппарат бир йилдан кейин бузилганини, аммо уни алмаштириш учун кафолот берилганлигини айтади.

Бу ҳақда Тошкент шаҳар савдо Бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи С. Х. Имомов таҳририятга йўллаган жавоб мактубида шуни маълум қилади:

— «Оқшомхон О. Турғуновнинг хати «Болалар дунёси»га бориб текширилди. Ҳақиқатан ҳам сифатсиз бўлган суратга олиш аппаратининг қиймати унга қайтариб берилди».

Суратли ахборот

ИШЧИЛАР ЧОЙХОНАСИ



⊙ Кейинги вақтларда ишчи ошхоналарининг ишини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги бирлашмаси ҳудудида ана шундай ишчи ошхоналари мавжуд. Корхона ҳовлисининг чеккасида, катта сув оқиб ўтадиган ерда эса ишчилар чойхонаси жойлашган.

— Чойхона қурилишининг ўзига хос тарихи бор, — деб ҳикоя қилади шу чойхона мудири, меҳнат ветерани Ҳолибой ака Абдураҳмонов. — Аввал бу ер соя-салқин бўлганлиги учун ишчилар тўпланишиб, бир пиёла чой ичиб ҳордиқ чиқаришарди. Мен бу ерда «Чойхона» оромгоҳини қуришни таклиф қилдим. Бунга 22-цех ишчилари лаббай, деб жавоб беришди.

Дарҳақиқат, 22-цех ишчилари чойхонани ҳашар йўли билан битказишга киришдилар. Замонавий қурилиш материаллари ишлатилиб пардозланди. Овқатланиш хонасига стол-стуллар қўйилиб, ички деворлар безатилди. Сув оқиб ўтадиган ариқ устига металл сўрилар ясаб бўяб қўйилди.

Овқатланиш залида туш пайтларида одам гавжум бўлади. Катта самовар шақиллаб қайнаб чойхўрларни кутмоқда. Чойхоначи Аюбхон Усмоновнинг қўли қўлига тегмайди. Чинни чойнаклардан чиқаётган янгигина дамланган чой ҳиди иштаҳани қўзғайди. Ахир меҳнатдан сўнг бир пиёла чой ичиб ҳордиқ чиқаришга нима етсин.

П. НИШОНОВ.

СУРАТДА: чойхоначи А. Усмонов.

М. Нуриддинов сурати.

Хориждан хабарлар

⊙ ПАРИЖ. Колумбия армияси билан полицияси сайлов участкаларининг 99,9 фоизида президент сайлови нормал ўтишини таъминладилар. Мамлакат мудофаа министри Оскар Ботеро якшанба куни Боготада журналистлар билан учрашиб, шу ҳақда гапирди, деб хабар беради Франс пресс ахборот агентлиги.

Бундан аввал президент сайловини барбод этиш мақсадида уюштирилган фитна фош этилган эди. Колумбия ички ишлар министри шанба куни журналистлар билан бошқа бир учрашувда маъмурлар билан халқнинг қалин ҳамкорлиги туфайли шунга эришилганини таъкидлади. Колумбия халқи зўравонликни қатъиян рад этмоқда ва мамлакатда демократия ўрнатилишига ҳаракат қилмоқда.

⊙ ҚОБУЛ. Афғонистон парламенти қуйи палатасининг депутатлари бош министр Ф. Холиқёр тавсия этган янги министрлар кабинети составига кўпчилик овоз билан ишонч билдирдилар. Афғонистон республикасининг президенти Нажибулло қуйи палата қарорини шу куниёқ тасдиқлади.

Бу ерда Афғонистон халқи вакилларининг олий мажлиси очилди. Уни президент Нажибулло очди. Депутатлар мамлакат конституциясига киритиладиган ўзгартишларни муҳокама қиладилар ва тасдиқлайдилар.

Бу ерда эълон қилинган фармонга мувофиқ президент Нажибулло 50 кишини олий кенгашга аъзо этиб тайинлади. Улар орасида Афғонистонда машҳур бўлган С. А. Кештманд, А. Р. Ҳатиф, хон Муҳаммадхон каби сиёсий доираларнинг, фан ва дин арбобларининг вакиллари бор.

⊙ ПАНАМА. Панама босиб олинган мамлакатдир ва «бу фактни инкор этиш аҳмоқликдан бошқа нарса эмас», деб таъкидлади «Эстрелья де Панама» газетасининг мухбири билан суҳбатда республика ташқи ишлар министри Хулио Линарес. Мамлакатнинг ҳозирги ҳукумати, деб таъкидлади у, Америка қуролли кучлари бу ердан мумкин қадар тезроқ олиб чиқиб кетилишига интилмоқда. Панама ташқи ишлар министрлиги АҚШ ҳукумати номига йўллаган кўплаб нота-лар шундан далолат бермоқда. Ҳукумат, шунингдек, 2000 йилга бориб Торрихос-Картер шартномасига биноан бу ерда турган Америка қўшинларининг Панамадан олиб чиқиб кетилиши учун ҳаракат қилмоқда.

БЕРЛИН. **(ТАСС мухбири С. Рябикин).** Бир гуруҳ безори ёшлар автобусни тўнтариб, автомобилларни шикастлантирдилар ва ойналарини синдириб ташладилар. ГДР олий лигаси командалари Берлин футбол клуби билан Ауенинг «Висмут» командаси учрашуви тугаганидан сўнг юзлаб ўтакетган футбол ишқибозлари Фридрих-Людвиг номли марказий стадиондан пойтахт марказига юриш уюштирдилар. Тартибсизликларнинг қатнашчилари саф тортиб, фашистлар рамзи шаклини ҳосил қилдилар. Карл Маркс ва Фридрих Энгельс ҳайкали шу белгининг ўртасида турган эди. Берлиннинг бошқа ноҳияси — Лихтенбергда ўсмирлар бир гуруҳ «сочи қириб олинганларга» ёпирилганлар. Фақат кеч оқшомдагина полиция тартибни ўрнатишга муваффақ бўлган. Ҳаммаси бўлиб 50 киши қўлга олинган. Қўлга олинганлар орасида ГФРнинг бир фуқароси ҳамда Ғарбий Берлинда истиқомат қилувчи икки киши бор.

● **ПАРИЖ.** Франция президенти Франсуа Миттеран Парижга икки кунга ташриф буюрган Польша ҳукумати бошлиғи Тадеуш Мазовецкийни қабул қилди.

Учрашув тугаганидан кейин Елисей саройи вакили Юбер Ведриннинг уқтиришича, томонлар Франция билан Польшанинг Европа келажакда қандай бўлиши лозимлиги хусусидаги нуқтаи назарлари бир-бирига монанд эканлигини таъкидлаганлар.

Германиянинг бирлашиши тўғрисидаги масала муҳокама қилинаётганида Польша ҳукумати бошлиғи Германия — Польша чегараси тўғрисидаги шартнома мумкин қадар қисқа муддатларда, Германия бирлашгунича, имзоланган маъқул, деган фикрни билдирди. У Польша «икки қўшув тўрт» формуласи асосида ўтадиган музокараларда Германия бирлашишининг ташқи жиҳатларини ҳал этишда қатнашишни хоҳлаётганини тасдиқлади.

Франция вакилининг сўзларига қараганда, Франция президенти Франция —Польша музокараларининг асосий мавзуларидан бири бўлган Польшанинг қарзи тўғрисидаги масала кўриб чиқилаётганида «Польшага адвокатлик қилиши»ни таъкидлади.

● **ПРАГА.** Прагадаги Рузин қамоқхонасида маҳбуслар кўтарган исён бостирилди. Жамоат тартибини сақлаш кучларининг махсус отряди тартибни тиклаш ишларини бошлади. Хавфсизлик идораларининг ходимлари тез, қатъий ҳаракатлар билан ҳужум қилиб, маҳбуслар эгаллаб турган бинони ва уларнинг бир қисми жойлашиб олган томни қўлга олдилар. Ушбу операция ички ишлар вазирлиги ва бош прокуратура раҳбарларининг буйруғига биноан ЧСФР ҳукумати билан келишиб ўтказилди. ЧТК агентлигининг хабар қилишича, ўтказилган операция натижасида маҳбуслар орасида қурбонлар бўлмади. Қамоқхона биносидаги ёнғин чоғида қуйиш оқибатида бир киши ҳалок бўлди.

(ТАСС).



⊙ АЛБАНИЯ. Суратда: Терана кўчаларидан бирида.

Прессфото — ТАСС сурати.

Советлар мамлакатида

⊙ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ЎРНИГА — КОТИБЛАР КЕНГАШИ

ТОМСК. Томскдаги «Контур» бирлашмасининг коммунистлари ўз партия ҳисобот-сайлов йиғилишларида партия комитетидан воз кечишга қарор қилишди. Уларнинг фикрича, комитет таркибидаги кишилар ташкилот турмушида сезиларли роль ўйнамаётган эдилар. Ҳисобот-сайлов йиғилиши партия комитети вазифаларини бажаришни котиблар кенгашига топшириш тўғрисида қарор қабул қилди.

⊙ КЎМИР ЕРГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

ТУЛА. «Тулауголь» бирлашмасида ёқишга яроқсиз сифатсиз кўмирни чиритиб, ўғит тайёрлана бошланди. Жўнгина ишлов берилганидан кейин у қишлоқ хўжалик экинлари хосилдорлигини анча оширишга ёрдам берадиган экология жиҳатидан соф препаратга айланади. Чунончи, чиринди препаратлари билан ишлов берилган ҳар гектар ердан одатдагидан 80—100 центнер кўп картошка олиш мумкин. Ўғитга аралаштирилган турли биоактив қўшимчалар уни колорадо қўнғизига, замбуруғли касалликларга қарши курашда зўр воситага айлантиради. Фойдаланишга топширилган тажриба-саноат қурилмаси йилига 20 минг тонна чиринди ўғит тайёрлаш имконини беради.

⊙ «ЯШИЛ ЧАНГЮТГИЧ» ОЛМАОТА.

Қозоғистон жанубида ўрмончилар дастлабки ҳосилни йиғиб олишга киришдилар. Улар қайрағоч уруғини йиғиб олишмоқда. Шамол маҳаллий иқлим инжиқликларига ниҳоятда чидамли бу «қора дарахт»нинг миллиардлаб қанотли уруғларини учириб кетади. Келаси баҳорда жумҳурият ўрмон хўжалиги министрлиги кўчатхоналарида улардан кўплаб кўчатлар униб чиқади. Шаҳар ва қишлоқ коммунал хизматларининг қайрағочга бўлган катта қизиқиши бежиз эмас. Дарахтнинг қалин шохлари уни анчагина самарали «яшил чангютгич»га айлантиради. Бир километр узунликдаги қайрағочлар хиёбони баҳор, ёз ва куз давомида ҳаво оқимини 500—600 тонна чангдан тозалайди.

⊙ ПОЛИМЕР ПЎСТИН ОСТИДА

БРЕСТ. Белоруссиядаги Димитров номли колхоз хўжаликлари баҳорги «тақчиллик даврида магазинларга картошка етказиб беришни анча кўпайтиришди. Бу ерда қишки сақлаш чоғида уруғликнинг 20—30 фоизи нобуд бўлишини ўн баравар камайтирдилар. 132 тонна уруғлик картошка уюми устини бу ерда ўтган кузда биринчи бор тупроқ билан эмас, тойланган сомон ва полимер пленка билан ёпиб, унинг остига ҳароратни ўлчайдиган датчиклар ўрнатдилар. Датчиклар ҳавонинг ёмонлашгани тўғрисида сигнал бера бошлаганида вентиляция ишлай бошлайди.

⊙ ОЛТОЙЛИК НЕМИСЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

БАРНАУЛ. Олтойнинг Кулунда чўлларида яшовчи совет немислари муаммоларини ўрганувчи илмий коллектив ишлай бошлади. Бу коллектив янги чақириқ ўлка Совети депутатларининг қарорига биноан ташкил қилинди. Сибирь ўлкасида немисларнинг дастлабки қишлоқлари юз йилдан кўпроқ вақт илгари пайдо бўлган эди. Ҳозир бу ерда анчагина соф немис қишлоқлари ва посёлкалари ҳамда йирик колхоз ва совхозлари бор. Олтойда немис тилида чиқадиган ўлка газетаси, радио эшиттиришлар ва телекўрсатувлар бор, миллий синфлар ва мактаблар ташкил қилинаяпти.

(ТАСС мухбирларининг хабарларидан).

Яхши удумларимиз







ИЖОД СЕҲРИ







⊙ Миллий удумларимиз, халқимизнинг унутилиб кетаётган расм-русумларини тиклаш борасида шаҳримизда қилинаётган ишлар, ўтказилаётган тадбирлар барчага манзур бўлмоқда. Абул Қосим мадрасасига куни кеча ташриф буюрган кишилар бу ердан мамнун бўлиб тарқалишди. Нега дейсизми?..

...ОҲИСТА мадраса ичкарисига қадам қўямиз. Маданият жамғармасининг Наманган вилоят бўлимига қарашли «Заршунос» тижорат корхонаси «Спираль», «Олтин балиқ», «Юрак» ва «Томчи» сингари турли хилдаги атлас матолар билан қатнашаётган экан. Чуст пичоқлари билан дўстлари ҳам бир қарашда хорижий меҳмонлар эътиборини қаратган. Уй бекаси Олтиной Суйсубоеванинг ликопчага туширган миниатюра безаклари Қорақалпоқ Мухтор жумҳурияти маданият жамғармаси томонидан келтирилган. Сафаровнинг ёғочга ишланган «Тоғ эчкиси», «Бой ўғли» полотнолари, халқ бахшиси Қурбон Эшчоновнинг миллий чолғу, дутор каби асбоблари ҳам ўрин олган эди.

Хоразмлик Маткарим Отажонов қумғон, сопол буюмлари ҳақида, Хива ноҳияси аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати ходими Анвар Солаев эса чурма, маҳси, яктак каби анжомларнинг қўлда қандай тайёрланиши ҳақида сўзлайди.

Кўргазмадан шунингдек Самарқанд вилояти маданият фондига қарашли бадиий буюмларни жиҳозлаш комбинати буюмлари жой олган эди.

Шу нарсани таъкидлаш жоизки, халқ ижоди байрамини кенг тарғиб қилиш, борасида Андижон, Сурхондарё, Қўқон, Бухоро, Фарғона, Қашқадарё вилоят маданият жамғармаларига ҳам хабар қилинишига қарамасдан, негадир улар келишмади. Бу ҳақда холис сабабларини айтишади деган умиддамиз.

Халқ ижоди байрамида айниқса Тошкент вилояти Қибрай совхози қошидаги «Ёр-ёр» фольклор амсамбли, Оржоникидзе район маданият уйи қошидаги Ислом Ёртиев раҳбарлигидаги «Шалола» ашула ва рақс халқ ансамбли, Янгийўл шаҳар 1-маданият уйи уруш ва меҳнат кексаси, Қаҳрамон она Каримахон Райимжонова бошчилигидаги «Зарин япроқлар» фольклор ашула ва рақс халқ ансамбли, Тошкентда ташкил этилган Бухоро яҳудийлари «Нозанин» фольклор ашула ва рақс ансамблининг чиқишлари йиғилганларга манзур бўлди. Яна Тошкент шаҳар А. Икромов тортди. Районидаги 28-мусиқа мактаби доирачилари, Акмал Икромов район маданият бўлими қошидаги «Дурдона» ашула ва рақс ансамбли ўзининг миллий қўшиқ, лапар, терма ва жозибадор рақслари билан томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Оқшом пайти халқ ижоди байрами янада ўзгача мавзу билан кўрк тараннум этди. Мадраса деворларига «Нон-бебаҳо бойлигимиз» деган шиорлар битилди. Яъни «Нон байрами» биринчи марта кўрик танлови бошланди. Тантанани фалсафа фанлари номзоди, доцент Карим Маҳмудов очди.

Саранун Турикулбоеванинг Нукусдан келтирган 40 дан зиёд турдаги нони, Киров районидаги 1-ошхона сотувчиларининг 8 хилдаги «Тошкент нони», Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод районидаги 70-ўрта мактаб ўқитувчиси Сайёра Эшназарова ва андижонлик Рустам Шокировлар тайёрлаб келган нонлари ҳакам аъзолари кўригидан ўтди.

Саҳнага Тошкент шаҳридан Мавжуда ая Йўлдошева, Марямхон ая Каримова, Муҳаммадсиддиқ Азимов, Оқида ая Ғуломовалар таклиф этилди. Улар уч босқичда тузилган нон ва унинг тарихи ҳақида савол-жавоб бериб, «Нон байрами» танловининг ғолиблари бўлишди.

Тантана давомида шаҳримизнинг «Шарқ» маҳалласидан онахон Муслимахон ая Комилова нон тарихи ва ўтган, шу кундаги қадри ва аҳамияти ҳақида қадимги ҳикматлар асосида қайд этди ва удум бўйича нон ёпишни бош келинига топшириб унга оқ фотиҳа берди. А. Икромов район У. Юсупов номли маданият уйи қошидаги «Ижодкор» уюшмасининг аъзолари Баҳодир ва Қурбон Жўралар нон ҳақидаги ўз шеърларини ўқиб бердилар.

— «Нонвой куни», «Нон байрами» кунини ташкил қилиш айни муддао бўлди, — деди Ўзбекистон маданият вазирлиги маданият ходимлари малакасини ошириш институтининг ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди Билол Аминов. — Мана бугун маълум бўляптики, ўтган даврда Самарқандда 200 турдаги нон бўлса, ҳозирги кунга келиб атиги 17 хили сақланиб қолибди холос. Энди кечиктирмай «Нон музейи»ни ташкил қилиш лозим. Эндиликда марказда эмас, ҳар бир вилоятларда танлов ўтказиб, марказ учун ғолибларни саралаш вақти келди...

Ҳа, бугун ёшу қари юзида ажиб бир ҳис уйғонади. Мадрасага ташриф буюрганлар ижод сеҳри соҳибларининг маҳсулотларидан хабар топибгина қолмай, ардоқли ва азиз бўлган нондан, унинг турларидан баҳра олдилар.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон маданият фондининг ходими.

Феруза ҲУСАНОВА,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

ТОШКЕНТДА КАРПАТ ОҲАНГЛАРИ

Дилдан севиб айтилган ҳар бир қўшиқ, ўта моҳирлик билан чалинган ёқимли куй ва ниҳоят юксак дид, ўзгача ноизк адо билан ижро этилган ҳар бир рақс томошабин қалбини ўзига ром этмай, унга алоҳида ҳузур бағишламай, унинг зўр олқишига сазовор бўлмай қолмаган.

Мана ярим асрдирки, Қизил Байроқли Карпат олди ҳарбий округининг ашула ва рақс ансамбли ўзининг бой концерт программаси билан Иттифоқимиздаги, шунингдек, чет эллардаги минглаб кишиларнинг эътиборини ана шу тарзда қозонниб келяпти. Польша, Чехословакия, Афғонистон, Швейцария... Буларни санашда давом этавериш мумкин. Санъаткорлар қайси мамлакатда бўлишмасин, ўзларининг мазмунли чиқишлари билан халқлар ўртасидаги ўлмас туйғу ҳисобланган дўстликни, гўзалликни, тинчликни чин дилдан куйламоқдалар.

Куни-кеча ана шу машҳур ансамбль Тошкентга келди. Етмиш кишидан ташкил топган бу ҳарбий ижодий жамоа таркибида хизмат кўрсатган артистлар, маданият арбоблари, жумладан Украина ССРда хизмат кўрсатган артистлар Александр Громиш, Богдан Гливка, солистлардан Вячеслав Прокопенко, Василий Мирчук ва бошқа кўплаб таниқли санъаткорлар бор.

Ансамбль ўзининг ранг-баранг программасига эга. Ушбу программадан «Москва оқшомлари», «Вақт, Ватан, биз», «Карпат тоғлари ёнбағирларида», «Катюша», «Русча рақс», «Офицерлар маршн» сингари куй ва қўшиқлар ўрин олган.

Карпатлик дўстларимиз жумҳуриятимизда бир неча кун бўладилар. Улар ҳарбий қисмлар, билим юртларида, меҳнаткашлар ҳузурида бой программада концертлар берадилар.

Артистлар дастлабки кун В. И. Ленин номидаги Қизил Байроқли, Қизил Юлдуз орденли Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юрти қурсантларининг азиз меҳмони бўлишди. Бу оқшом билим юртининг кенг ва ёруғ клубида ҳарбий санъаткорлар энг яхши ашула ва рақсларини намойиш қилдилар.

— Тошкентга биринчи марта келдик, — дейди ансамблнинг бошлиғи ва бадиий раҳбари, Украина ССР халқ артисти, подполковник Виталий Иосифович Халавчук ЎзТАГ мухбири Т. Ботирбековга. — Шаҳар бизга жуда ёқди. Унинг ҳавосини айтмайсизми, Тошкентнинг архитектураси, кенг, равон ва кўркам кўчалари, айниқса қадим-қадимдан меҳмондўст бўлган, камтарин, меҳнатсевар, дилкаш халқи ҳаммамизда яхши таассурот қолдирди.

Санъатимиз билан тошкентликларни бир оз бўлсада хурсанд қила олсак ўзимизни ниҳоятда бахтли сезардик.

Ансамбль Тошкентдаги гастролларини тугатгач, Чирчиқ, Фарғона, сўнгра Душанбе шаҳарларига жўнаб кетади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Олий ўқув юртларига киришни истайдиган мактаб ўқувчилари ва абитуриентлар диққатига!

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ДОРИЛФУНУНИ

қуйидаги фанлар бўйича

ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбек тили ва адабиёти, тарих, жамиятшунослик, математика.

Машғулотларни қабул имтиҳонларида кўп йиллик тажрибага эга бўлган дорилфунуннинг етакчи ўқитувчилари олиб борадилар.

Машғулотлар давомида ёзма ва оғзаки имтиҳонларни топшириш бўйича амалий маслаҳатлар ҳам олиш мумкин.

Юқорида қайд этилган фанлар бўйича машғулотлар МАДАНИЯТ САРОЙИ БИНОСИда якшанбадан ташқари ҳар куни соат 16.00 да жадвал тартиби бўйича ўтказилади.

1-НАВБАТ — 1990 йил 1 июндан 15 июнгача;

2-НАВБАТ — 1990 йил 16 июндан 30 июнгача.

Машғулотларда қатнашиш учун абонементларни ТошДУ МАДАНИЯТ САРОЙИнинг 26 хонасида соат 11.00 дан 18.00 гача ҳар куни сотиб олиш мумкин.

Қўшимча маълумотлар учун 46-39-55 рақамли телефонга мурожаат этилсин.

Транспорт: 28, 34, 87, 100-автобуслар: 8, 4, 20-троллейбуслар; 9, 12, 21-маршрут таксиларнинг «В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунуни» бекати.

Қурилиш материаллари савдоси бўйича

Янги «Қурилиш моллари» магазини очилди

Тошкент шаҳар ёғоч-қурилиш ва ёқилғи материаллари савдо ташкилотига қарашли бу янги 25-магазин Оҳангарон узун кўчасидаги Ғалабанинг 40 йиллиги даҳасида жойлашган.

Бу ерда фақат қурилиш материаллари билангина эмас, балки темир-терсак буюмлари (михлар, бурама михлар, қулфлар) ва кимёвий бўёқ моллари (лаклар, бўёқлар, алифмой, эритувчилар), асбоблар (рандалар, металл қирқадиган қиррали болғалар, ток қайчилар, арралар, болталар, сантехника ускуналари, боғ-томорқа асбоб-анжомлари, шунингдек, корхоналарнинг ишлаб чиқариш чиқиндилари гулқоғоз ва бошқа турдаги қоғозлар) билан ҳам савдо қилинади.

Тошкент ишлаб чиқариш бирлашмаларида ишлаб чиқарилган зангламайдиган пўлатдан ясалган ювгичлар, карнизлар (Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси) жилвирак, ҳожатхона, иссиқхона каркаслари (Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмаси) ҳам юқорида тавсия этилаётган моллар сирасидир.

Ширкатлар ҳам ўз маҳсулотларини эшиклар («РИФ») ва нақшли манзарали кафел («ПАНО»)ларни савдога тақдим этдилар.



Магазин соат 10 дан 19 гача ишлайди, танаффус соат 14 дан 15 гача.

Транспорт: 30, 72, 110э-автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «Гўзал» бекати.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЁҒОЧ, ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА ЁҚИЛҒИ МАҲСУЛОТЛАРИ САВДОСИ ТАШКИЛОТИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ МОТОР ЗАВОДИГА:

бош бухгалтер ўринбосари, корхоналарда камида 3 йиллик иш стажига эга бўлган маслаҳатчи-юрист, бош металлург хизмати бюросининг бошлиғи, техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш бюроси бошлиғи, меҳнат ва маош бўлими бошлиғи, токарлар, фрезерчилар, силлиқловчилар, саноат ускуналари ремонти ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича электромонтерлар, саноат ускуналари ремонтчи-слесарлари, двигателларни йиғиш бўйича механик-йиғувчилар, қуювчилар, темир эритувчи ва олов ёқувчилар, стерженчилар, кўприк кранларини бошқарувчилар, авто-электро юк ташувчи ҳайдовчилар;

Мутахассислиги бўлмаган шахслар Владимир вилоятига, 6 ой муддатга касб ўрганишга юборилади.

Меҳнат ҳақи — вақтбай-мукофотли, ишбай мукофотли ва қўшимча ишбай нархларда.

Ишга Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг шаҳардан 25 километр узунликдаги ҳудудида мунтазам пропискага эга бўлган шахслар қабул қилинадилар. 1990—1991 йилларда завод ишчилари учун «Бахт» мавзеси қурилади. Завод ўз ётоқхонасига, болалар боғчасига хизмат кўрсатувчи автобусларига эга.

Ишга кирганлар 5 йил давомида уй-жой тақсимоти қонунларига биноан квартира олиш имконига эгалар.

Батафсилроқ маълумот олиш учун: Ҳамза ноҳияси аҳолини ишга жойлаштириш бўлимига мурожаат қилиш мумкин. Унинг манзилгоҳи — М. Хасанова кўчаси, 14-уй.

Тиббиётимиз муаммолари

⊙ Шаҳардан четга чиққан кишининг ранги-рўйи синиққан юртдошларимизга куч келмай ложки йўқ. Этакларидан тортқилаётган мурғаклари билан бекатларда саргайиб турган аёлларни кўриб ачиниб кетасан, киши. Устига устак рангсиз чеҳраларига офтобнинг ўткир тиғи уриб туради. Рангпар юзларни доғ босган. «Дастурхонига қараб ҳаётинн, ранги-рўйига боқиб турмушини бил» деганларидек, уларнинг турмуш тарзи қай аҳволда? Келажагимиз бўлган болаларга ва уларнинг оналарига қандай ғамхўрлик кўрсатиляпти?

— Соғлом онадан — соғлом бола туғилади, — дейди суҳбатимиз бошида Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг оналар ва болаларга тиббий ёрдам, кўрсатиш Бош бошқармаси бошлиғи муовини, тиббиёт фанлари номзоди, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими Пароғат Рисқулович Мингқулов. — Бугунги кунда болалар ўлимининг асосий сабаби ана шунда. Аёлларимиз орасида анемия, аскорогенталь, сил касалликлари кенг тарқалган. Ўзингиз ўйлаб кўринг, касал она организми ривожланаётган эмбрионга керакли озуқани етказиб бера олмайди. Натижада болалар камқон, рахит, гипотрафия (она қорнида болага озуқанинг етишмаслиги) билан туғилаяпти. Бундай болалар шароитнинг оғирлиги оқибатида санитария-гигиена қоидалари бузилишига қарши, яъни экология, заҳарли мелиорация ва завод-фабрикаларнинг чиқиндилари билан булғаниши ниҳоятда фаол курашувчанликни талаб қилувчи ташқи муҳитга қарши кураша олмайди.

— Пароғат Рисқуловнч, анемня ва аскорогентоль хасталикларн кўп тарқалган дединғиз. Бунинг асосий сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Бу касалликлар асосан қонда оқсил моддалари етишмаслиги билан характерланади. Бу дегани шу ерлик аҳоли етарли гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни кам истеъмол қилади. Агар бир йилда бизда киши бошига 20—30 килограмм гўшт истеъмол қилинса, қатор иттифоқдош республикаларда бу кўрсаткич 60—70 килограммга тўғри келади. Қишлоқ жойлардаги аҳоли шу иттифоқдош республикаларга нисбатан сутни 2,3, тухумни 3,5, картошкани 4.7 марта кам истеъмол қилади.

Бугунги кунда ўлаётган аёлларнинг ҳар учинчиси—кўп болали аёллардир. Охирги уч йил ичида аёллар ўртасидаги ўлим бир хил кўрсаткичда турибди. Бунга туғилиш орасидаги уч йиллик муддатга тўлиқ риоя қилинмаяпганлиги жиддий таъсир кўрсатмоқда.

— Демак оналарнинг ўлими комплекс ижтимоий-иқтисодий муаммолар билан боғлиқ экан-да?

— Ҳа, бу ўринда тиббий ёрдам кўрсатиш даражасини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш муҳимдир. Бугунги кунда 6 минг нафар болани даволовчи шифохона етишмайди. СССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги олдига акушер-гинеколог штатларини кўпайтириш ҳақидаги масалани қўйдик. Шу вақтга қадар бу масала туғишга қараб эмас, аҳоли сонига қараб ҳал этилган. Жумҳуриятимизда эса аҳоли сонига нисбатан туғилиш бошқа иттифоқдош республикаларникидан кескин фарқ қилади. Бунинг устига юқори малакали кадрлар етишмайди. Бу йил Россия Федерациясига малака ошириш учун 200 мутахассис юборилган.

БОЛАЖОН ХАЛҚ БУРЧИ

— Жумҳуриятимизда болалар ўлимининг ўзига хос хусусиятлари борми?

— Ҳа, бизда, масалан, июнь, июль, август ойларида ўткир ошқозон ичак касалликлари билан ўлаётган болалар кўпчиликни ташкил қилади. Бу мавсумда юқумли касалликларнинг 80 фоизи ўткир-ичак касаллиги билан оғриган болалардир. Ўлаётган болаларнинг 40 фоизи ота-оналарнинг шифокорларга кеч мурожаат этиши билан содир бўлаяпти.

— Нима учун болаларнинг кўпчилиги бу мавсумда айнан ана шу касалликларга учрамоқда?

— Аввало бу вақтда иқлим ниҳоятда исийди. Суюқликка, яъни сувга бўлган эҳтиёж кўпаяди. Кўпгина қишлоқ жойларида эса ариқдан оқаётган сувдан фойдаланишади. Бу сувлар эса қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган мелиоратив кимё ва завод, фабрикалардан чиққан заҳарли чиқиндилар билан булғанган. Кейинги йилларда болалар касали кўпаядиган ана шу уч ой мобайнида Латвия, Москва, Ленинград шаҳарларидан малакали шифокорлар ёрдамга чақирилмоқда. Уларнинг ёрдами туфайли бу мавсумда ўлим сонини бирмунча қисқартиришга муваффақ бўлдик.

— Пароғат Рисқуловнч, экологиянн заҳарлаётган завод ва фабрикалар кейинги вақтларда болалар орасида қандай касалликларни келтириб чиқараяпти?

— Экологиянинг завод-фабрикалардан чиқаётган чиқиндилар орқали заҳарланиши болалар орасида кўпроқ аллергия ва онкология хасталикларини кўпайтирмоқда. Шунингдек, ўпка касалликларидан бўғма, майда нарсалар тошиш ва бошқалар экологиянинг заҳарланиши орқали кўпаймоқда.

— Болалар ўлимига сабаб бўлаётган муаммоларнинг олдини олиш учун нима ишлар қилиш керак?

— Бугунги кунда жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлиги 60 фоиз маблағни болалар ва оналар соғлиғини сақлаш ишлари учун ажратди. Ўтган йили туғруқхона ва болаларнинг касалхоналари учун бир миллион 282 минг сўмлик чет эл асбоблари сотиб олинди. Бу йил янги техника учун 2 миллион 27 минг сўм ажратилган. Бундан ташқари «Нордон тузли эритма билан даволаш» марказлари самарали иш олиб бормоқда. Унинг пунктлари ҳар бир районда жойлашган бўлиб, ўткир ошқозон-ичак касалига учраган гўдаклар дастлабки 3—6 соат давомида «Регидрон» орқали даволанадилар. Турмуш тарзи оғирроқ бўлган оналарга болалар учун текин овқатга давлат томонидан маблағ ажратилди. Ҳозир 3 ёшгача бўлган болалар ота-оналари ўз вақтида топиб бериш имконияти бўлмайдиган маҳсулотлар билан таъминланаяптилар. Санаб ўтилган қатор тадбирлар уч йил мобайнида болалар ўлимини 45,8 марта ҳисобида камайтирди. 1987 йили ҳар мингта туғилган боладан бир ёшгача бўлганлардан 45,9, 1988 йили 43,3, 1989 йили эса 37,8 та бола ўлган.

Тўғри, ўлим кулфат бошига тушмаган инсон йўқ. Аммо гўдакларнинг ўлим ёқасидаги ҳолатини кўрганмисиз? Малҳам излаб жовдираган кўзлари, дунёга эндигина келиб, азоблардан хориган ифодалари-ю, нажотга талпинган қўлчаларига кўзингиз тушганми?

Ваҳоланки, келажак ана шу болаларники-ку! Келажак ўзининг кўрки, равнақи учун курашиши керак бўлганларни бугун қай ҳолатда кутиб олмоқда? Биз ҳаммамиз, айниқса тиббиёт ходимлари бу масалага жиддий ёндошишимиз керак.

Суҳбатдош
Комила СУЛТОНОВА.

Энди жаҳон биринчилигини ўтказиш масалаларига келсак. Авваламбор, ғолиб командага топшириладиган янги Кубокни яратиш керак эди. Кубок лойиҳаси учун танлов эълон қилинди ва ниҳоят 1971 йили махсус ҳайъат 53 лойиҳа ичидан миланлик заргар С. Гаццаниганинг ишини танлаб олди. Янги кубок «Халқаро Футбол Федерацияси»нинг жаҳон Кубоги» номини олди. Оғирлиги 4970 грамм бўлган ушбу кубок соф олтиндан тайёрланган эди.

Ушбу биринчиликда команда барча ўйинчиларининг деярли тинимсиз ҳаракатига асосланган, лекин доимо мантиқли ва рақиблар учун кутилмаган, яъни вазият тақозо этса ҳимоячи ҳужумда, ҳужумчи эса ҳимояда иштирок этишига асосланган ўйин (тоталь футбол) голландияликлар томонидан зўр муваффақият билан намойиш этилди. Бундай ўйин футболчилардан юксак техника ва нафис тактик сезгирликни талаб этарди. Голланд футболида ушбу талабга жавоб берадиган Круифф, Неескенс, Крол, Сурбиер, керак эди. Лекин уларнинг рақиблари—Перунинг ҳам энг кучли Жанубий Америка командаларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ўйиннинг 20-дақиқасидан бошлаб тўп фақат перуликлар дарвозаси томонида бўлди ва охир-оқибатда аргентиналиклар фойдасига 6:0 ҳисоби қайд этилди. Натижада улар ҳал қилувчи ўйинга йўлланма олдилар. Кейинчалик ушбу ўйиннинг натижаси олдиндан келишиб олинганлиги маълум бўлди ва бу катта шов-шувларни келтириб чиқарди. «А» ярим финал гуруҳидан эса финалга кутилмаганда яна голланд футболчилари чиқдилар. Терма командани тайёрлаш шошилинч равишда янги тренер Э. Хаппелга топширилгани, Круифф ва Геелс сингари етакчи ўйинчиларнинг унинг сафларида ўйнашдан бош тортганлигини ҳисобга олсак, бу катта муваффақият эди. Лекин голландияликлар таркибида аввалги биринчилик ўйинларида тобланган Йонгблад, Крол, Сурбиер, Хаан, Неескенс, Реп, Ренсенбринк каби йирик футбол юлдузларининг бўлганлигини ҳам таъкидлаш жоиз.



Хаан, Рисберген, Ван Ханегем каби ўйинчилар бор эди. Бу командани «Учар голландияликлар» деб аташарди. Голландиялик чарм тўп усталари ўзларининг енгил ва чиройли ўйинлари билан барча футбол ишқибозларини қойил қолдирдилар. Гуруҳ ўйинларини 2 ғалаба ва 1 дуранг билан якунлаган голландияликлар иккинчи босқич беллашувларида Аргентинани 4:0, ГДРни 2:0, Бразилияни 2:0 ҳисобида енгиб финалга чиқдилар. Улар барча рақибларини осонлик билан мағлуб этардилар. ГФР футболчилари ҳам 5 ғалаба ва 1 мағлубият билан финалга йўлланма олдилар. 7 июлда Мюнхендаги Олимпия стадионида 78500 ишқибоз ташриф буюрган финал ўйинида Голландия — ГФР командалари беллашдилар. Кўпчилик Круифф етакчилигидаги «Учар голландиялик»ларнинг ғалабасини кутарди. Ўйиннинг 2-дақиқасидаёқ ГФР футболчилари қаторасига бир неча ҳимоячини алдаб ўтган Круффни жарима майдончасида чалиб йиқитишдан ўзга чора тополмадилар. 11 метрлик жарима тўпини Неескенс дарвозага аниқ йўллади — 1:0, ўйиннинг 26-дақиқасида Брайтнер ҳисобни тенглаштиради. 43-дақиқада эса «энг зарур голлар устаси» Г. Мюллер зарбасидан сўнг ГФР футболчилари олдинга ўтишди— 2:1. Аммо, иккинчи бўлимда Круиффнинг ўйини қовушмади. Ҳисоб ўзгармади ва Ғарбий Германияликлар жаҳон чемпиони бўлишди. Финалда ғолиблар қуйидаги таркибда майдонга тушишди: Майер, Фогтс, Шварценбек, Беккенбауэр (капитан), Брайтнер, У. Хёнесс, Бонхоф, Оверат, Грабовски, Мюллер, Хельценбайн.

7 тўп киритган поляк ҳужумчиси Лято тўпурарлар баҳсида энг юқори натижани кўрсатди.

УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН ЧЕМПИОН

ЎН БИРИНЧИ жаҳон биринчилигининг финал турнирини Аргентинанинг яшил майдонларида ўтказиш маъқул деб топилди. Саралаш турнирида 107 мамлакат командаси қатнашди ва 251 ўйин ўтказилди. Ва ниҳоят, Польша, Италия, Австрия, Голландия, Франция, Швеция, Шотландия, Испания, Венгрия, Бразилия, Перу, Тунис, Мексика, Эрон, Аргентина ва ГФР терма командалари кучлилар сафидан ўрин олишди. Афсуски, бу ғал ҳам Греция, Венгрия командалари билан бир саралаш гуруҳида куч синашган Ватанимиз футболчилари таркибида Блохин, Онишченко, Буряк, Федоров, Колотов, Трошкин, Коньков, Ловчев, Кипиани каби маҳоратли ўйинчилар бўлишига қарамай имкониятлари даражасидан паст қатнашиб яна финал турнирида қатнашишдан бебаҳра бўлдилар.

Ушбу биринчилик ўйинлари аввалдагиси каби усулда ўтказилди. Яъни 4 гуруҳнинг иккитадан ғолиби «А» ва «В» ярим финал гуруҳларига чиқадилар, унинг ғолиблари эса тўғридан-тўғри финал ўйинига йўлланма оладилар. Финалга ўз гуруҳида иккинчи ва «В» ярим финал гуруҳида ғолиб бўлган Аргентина терма командаси чиқади. Унинг таркибида Филлол, Пассарелла, Кемпес, Луке, Ортис, Бертони каби машҳур чарм тўп усталари бор эди. Аммо шу ерда бир фактни келтиришни лозим топдик. Бразилия ва Аргентина терма командалари битта ярим финал гуруҳида эди. Ҳал қилувчи охирги ўйин олдидан бразилияликларда тўплар нисбати 6:1, Аргентинаники эса 2:0 эди. Гуруҳдаги ғолиблик учун ўзаро баҳсни фақат тўплар нисбати ҳал қилар эди: яъни финалга чиқиш учун Аргентина футболчилари 6 тўп фарқи билан ғалаба қозонишлари

(Давоми. Бошн рўзноманинг аввалги сонларида).

Ниҳоят, 1978 йил, 25 июнь. Буэнос-Айресдаги «Ривер-Плейт» стадиони. Финал ўйини. Аргентина — Голландия. Ўйин бошланишига 2 соат қолгандаёқ 85 минг кишилик стадион лиқ тўлганди. «Қора бозор»да эса билетларнинг нархи ҳатто 1000 долларгача чиқиб кетди. Учрашув дастлаб бир оз тенг борди. 38-дақиқада Кемпес узоқ масофадан дарвозани аниқ нишонга олди. Ишқибозлар хурсандчилигининг чеки йўқ эди. Голланд футболчилари фақат 81-дақиқадагина ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлдилар. Ўйиннинг энг ҳаяжонли дамлари охирги сонияларга тўғри келди. Ренсенбринк қаторасига бир неча ҳимоячини алдаб ўтиб, зарба берди, афсус, тўп дарвоза тўсинига тегиб қайтди. Голландияликларнинг жаҳон чемпиони бўлишларига бир неча сантиметргина ҳалал берди, иккинчи томондан эса бу бир неча аргентиналик ашаддий ишқибознинг ҳаётини сақлаб қолди. Шундай қилиб, асосий вақт дуранг натижа билан тугади ва ғолибни аниқлаш учун қўшимча 30 дақиқа белгиланди. Унда Кемпес ва Бертониларнинг аниқ зарбаларидан сўнг аргентиналиклар 3:1 ҳисобида зафар қучишди. Финал ўйинида команда шарафини қуйидаги футболчилар ҳимоя қилган эди: Филлол, Ольгуин, Гальван, Пассарелла (капитан), Тарантини, Ардилес (Ларосса), Гальего, Кемпес, Бертони, Луке, Ортис (Хусман).

6 тўп киритган Кемпес биринчиликнинг энг сермаҳсул ҳужумчиси бўлди.

1974 йилда ФИФАни бошқариш бразилиялик Жоао Авеланжга топширилди. У жаҳон футболини янада ривожлантириш учун бор куч-ғайратини аямасликка сўз берди. Авеланж ФИФАга жаҳон биринчилигининг финал турнирида 16 эмас, балки 24 команда қатнашиши мақбуллиги ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдириб, ўз лойиҳасини тақдим этди. Барча ривожланаётган мамлакатлар бу ғояни қўллаб-қувватлашди. Бу ҳақдаги расмий қарор эса 1979 йил май ойида қабул қилинди.

УНУТИЛМАЙДИГАН РОССИ

ИСПАНИЯДА ўтадиган навбатдаги XII жаҳон биринчилигининг саралаш ўйинларида қатнашиш истаги 108 мамлакат томонидан билдирилди. Ушбу турнир 26 ой давом этди. 305 ўйин ўтказилганидан сўнг қуйидаги командалар Испаниянинг яшил майдонлари томон йўл олдилар: ГФР, Испания, Австрия, Бельгия, Франция, СССР, Чехословакия, Венгрия, Англия, Югославия, Италия, Шотландия, Шимолий Ирландия, Польша, Аргентина, Перу, Бразилия, Чили, Жазоир, Камерун, Янги Зеландия, Кувайт, Гондурас, Сальвадор.

Саралаш ўйинларида Ватанимиз футболчилари жуда муваффақиятли қатнашдилар. Улар 8 ўйинда 6 ғалаба ва 2 дурангга эришиб, 20 тўп уриб, ўз дарвозаларидан атиги 2 тўп ўтказиб юбордилар. Командамиз айниқса 1981 йилги мавсумда жуда етук ўйин кўрсатди.

Қаторасига икки биринчиликни ўтказиб юборган терма командамиз ишқибозларнинг қалбига севинч ва умид чироқларини ёқди. Энди Испаниянинг стадионларида жаҳлон урган чарм тўп усталаримиз билан танишинг: Дасаев, Сулакелидзе, Чивадзе, Балтача, Демьяненко, Бессонов, Баль, Боровский, Суслопаров, Гаврилов, Шенгелия, Андреев, Блохин, Дараселия, Оганесян. Афсуски, турли сабабларга кўра Д. Кипиани, В. Хидиятуллин ва Л. Буряк каби асосий ўйинчиларимиз биринчиликда қатнаша олмадилар.

Дастлабки ўйинимиз Бразилия терма командаси билан бўлди. Таъкидлаш жоиз, иқтидорли тренер Теле Сантана раҳнамолигидаги ушбу команда таркибида Леандро, Жуниор, Оскар, Лунзиньо, Зико, Сократес, Фалькао, Серезо, Эдер, Сержиньо, Дирсеу, Батиста каби машҳур ўйинчилар бор эдики, бу жамоани ҳақли равишда 1970 йилдан то ҳозиргача Бразилиянинг энг кучли командаси деб ҳисобламоқдалар. Бу жуда ҳужумкор жамоа бўлиб, ундаги ягона заиф линия бу — Перес қўриқлаётган дарвоза эди. Охир-оқибатда бу бразилияликларнинг ярим финалга чиқа олмаганлигининг асосий сабаби бўлди. СССР — Бразилия ўйинида дастлаб ҳисобни биз очдик. Балнинг узоқдан берган зарбасини Перес ушлаб қололмади. Иккинчи бўлимда Сократес ва Эдерларнинг муваффақиятли ҳужумларидан сўнг эса мағлубиятга учрадик. Муболағасиз айтиш мумкин, бу бизнинг энг яхши ўйинларимиздан бири эди. Кейинги ўйинда Гаврилов, Блохин ва Балтачаларнинг аниқ зарбалари натижасида Янги зеландияликларни енгдик. Учинчи, Шотландия билан беллашувда 2:2 ҳисоби қайд этилди ва командамиз чорак финалга чиқди. СССР, Польша, Бельгия командаларидан иборат чорак финал гуруҳи тузилди ва унинг ғолиби ярим финалга йўлланма олиши керак эди. Дастлаб Бельгияни 1:0 ҳисобида енгдик (Оганесян). Ҳал қилувчи ўйин польшаликлар билан эди. Бу ўйинда уч бош тренер — Бесков, Лобановский, Ахалкацилардан иборат раҳбариятимиз жуда катта хатога йўл қўйди. Асосий эътибор ҳужумга эмас, ҳимояга қаратилди, ҳолбуки бизга фақат ғалаба зарур эди. Ўйинда 6 ҳимоячи иштирок этди!? Футболчиларимиз ҳаракатида чарчоқлик ва бефарқлик сезилиб турарди. Командани олға бошлайдиган етакчи топилмади. Жуда зерикарли ўтган учрашувда 0:0 ҳисоби қайд этилди ва тўплар нисбатига кўра поляклар ярим финалга чиқдилар.

Биринчиликнинг энг кучли гуруҳи Италия, Бразилия ва Аргентина командаларидан иборат «С» чорак финал гуруҳи эди. Бу уч команда кўшиб ҳисобланганда 6 маротаба жаҳон чемпиони бўлганди. Ҳатто 1978 йилги чемпионлар — Аргентина футболчилари ҳам группада охирги ўринни олишди. Ҳал қилувчи ўйинда Бразилия — Италия командалари куч синашдилар. Италияликлар дарвозабони Зофф 40 ёшда бўлишига қарамай мўъжизакор ўйин кўрсатди. Ҳужумчи Росси эса уч тўп киритиб, айтиш мумкинки, ўйиннинг тақдирини бир ўзи ҳал қилди —3:2. Испанияга умид билан келган 30 минг бразилиялик ишқибоз биринчиликни алам билан тарк этди. Ярим финал ўйинида Италия — Польша командалари учрашдилар. Беллашувда яна Россининг 2 тўпидан сўнг 2:0 ҳисоби қайд этилди. XII жаҳон биринчилигининг Мадриддаги «Сантьяго Бернабеу» стадионида 11 июлда 90089 ишқибоз шоҳидлигида ўтган финал ўйинида Италия — ГФР командалари беллашдилар. Ўйиннинг 28-дақиқасида италияликлар 11 метрлик жарима тўпини тепиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Аммо Кабрининг зарбаси аниқ бўлмади. 57-дақиқа, Росси — 1:0, 70-дақиқа, Тарделли — 2:0. 80-дақиқада Альтобеллининг аниқ зарбасидан сўнг ўйин тақдири ҳал бўлди. Фақатгина охирги дақиқаларда рақиблар жавоб тўпини киритдилар ва учрашув 3:1 ҳисобида тугади. Италияликлар учинчи маротаба жаҳон чемпионлари унвонини олдилар. Мана, ғолибларнинг номлари: Зофф (капитан), Бергоми, Колловатти, Ширеа, Жентиле, Кабрини, Орнали, Тарделли, Конти, Росси, Грациани (Альтобелли, Каузио).

6 тўп киритган Росси биринчиликнинг энг сермаҳсул ва энг кучли ўйинчиси совринларининг соҳиби бўлди.

КУЧЛАР ТЕНГЛАШГАНДА

Ва ниҳоят, XIII жаҳон биринчилигининг финал турнирини Мексикада ўтказишга қарор қилинди. Саралаш ўйинларида 121 команда қатнашди. Финалга эса аввалгидек 24 команда йўлланма олди. Улар билан танишинг: Италия, Болгария, Аргентина, Жанубий Корея, Мексика, Бельгия, Парагвай, Ироқ, Франция, Канада, СССР, Венгрия, Бразилия, Испания, Жазоир, Шимолий Ирландия, ГФР, Уругвай, Шотландия, Дания, Польша, Марокаш, Португалия ва Англия.

Футболчиларимиз Дания, Ирландия, Норвегия, Швейцария командалари билан бирга саралаш турнирида қатнашиб 2-ўринни олдилар. Футболимиз юқори раҳбарияти ўтган биринчилик хатоларидан тегишли хулоса чиқарди. Яъни, командага фақат битта бош тренер раҳбарлик қилсин ва у қўшимча равишда ҳеч қандай клубга тренерлик қилмасин деган қарор чиқарилди. В. Лобановский етакчилигидаги чарм тўп усталаримиз эса қуйидаги таркибда биринчиликка йўл олдилар: Дасаев, Вик. Чанов, Ларионов, Бессонов, Кузнецов, Демьяненко, Яремчук, Баль, Бубнов, Морозов, Литовченко, Алейников, Рац, Яковенко, Евтушенко, Беланов, Заваров, Родионов, Протасов, Блохин.

Диляшод ИСРОИЛОВ,
«Тошкент оқшоми»нинг спорт шарҳловчиси.

(Давоми бор).



⊙ Ғарбий германиялик ҳимоячи Либбрих (чапда) ва машҳур венгер ҳужумчиси Пушкаш тўп учун курашда.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЎЙЛАР МУБОРАК!

Тўй тантаналарида маданий хизмат қилишга мослаштирилган ва замонавий репертуарларга эга бўлган Авиасозлар маданият саройининг

«САМО» АНСАМБЛИ

бахт ва шодлик оқшомини кўнгилдагидек ўтказишда

ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁР!

Ансамблни кассага пул тўлаш йўли билан тўйхонага таклиф қилишингиз мумкин.

Буюртмалар олдиндан ҳар куни соат 16.00 дан маданият саройининг 2-қават, 90-хонасида қабул қилинади.

Маконимиз: Авиасозлар шаҳарчаси, Лисунов кўчаси, Авиасозлар маданият саройи (15, 23, 48, 72, 151, 54, 6-автобуслар; 3, 23-трамвайларнинг «Маданият саройи» бекати. Метронинг «Чкалов» станцияси). Телефон: 96-55-81.

МУҲТАРАМ БОБОЛАРУ, БУВИЛАР, ОТАЛАРУ ОНАЛАР

2 ИЮНЬ

Сизларни набираларингиз ва фарзандларингиз билан Бешёғоч даҳасидаги

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН

БОЛАЖОНЛАР САЙИЛИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

САЙИЛДА: болаларнинг севимли Жумҳурият қўғирчоқ театри, Ўзбекистон ССР Давлат телевидениеси ва радио эшиттириш қўмитаси қошидаги жумҳурият Ленин комсомоли мукофотининг совриндори «БУЛБУЛЧА» БОЛАЛАР АНСАМБЛИ СИЗЛАРНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА

Булардан ташқари: «Қувноқлар давраси» мусиқий оммавий-қизиқарли ўйинлар, турли конкурслар, болалар ижодий кўргазмаси, топқирлар мусобақаси сингари тадбирлар уюштирилади.

Болалар темир йўли, эртаклар шаҳарчаси «Серпантин», турли аттракционлар, қайиқ станцияси, «Музқаймоқ» кафелари, сўлим чойхоналар сиз азизлар учун хизматда **САЙИЛИМИЗГА МАРҲАБО!**

Сайил соат 12.00 дан оқшомга қадар давом этади.

Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети В. И. Ленин номидаги Совет болалар фондининг шаҳар бўлими,

«БИЛИМ» ЖАМИЯТИНИНГ ШАҲАР ТАШКИЛОТИ

2 ИЮНЬ СОАТ 11.00 ДА

БИЛИМЛАР УЙИДА

Болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган

Болалар байрами ўтказилади

ПРОГРАММАДА:

кийим моделлари савдоси билан болалар мода театри;
болалар жамоаларининг чиқишлари;
болалар ижодиёти кўргазмаси;
мультфильмлар оламида;
конкурслар, викториналар, ўйинлар;
дискотека;
китоб лотереяси;
сюрпризлар бор.

БОЛАЛАР ВА КАТТАЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ. КИРИШ БЕПУЛ.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 24-уй.

Хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқа қилувчи «АГРООСТ» КИЧИК ТЕХНОЛОГИК ИДОРАСИ ҳамда Ўзбекистон Маданият вазирлиги Халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлари Жумҳурият илмий-методик марказ ҳамкорлигида тўй ва бошқа маросим ўтказувчиларга маданий-маиший хизмат қилиш мақсадида

«ҲОЖАТРАВО»

ИЖОДИЙ УЮШМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТДИ

Мазкур уюшмада доимий ва шартнома асосида ишлашни хоҳлаган мутахассис ва санъаткорлар учун

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Созандалар ва хонандалар, ўртани олиб борувчилар, ошпазлар, видео тасвирга туширувчилар, радистлар.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Хоҳловчилар якшанба кунидан ташқари ҳар куни соат 10.00 дан 16.00 гача мурожаат қилишлари мумкин.

Бизнинг манзилгоҳимиз: Чилонзор кўчаси, 2-А уй. (153, 180, 181-автобуслар, 7-троллейбуснинг «1-Кўприк» бекати). Телефон: 45-36-58.

Тошкент вилоят матлубот жамиятининг
ТОШКЕНТ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1990—1991 ўқув йилига
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Озиқ-овқат ва саноат моллари сотувчиси, кундалик эҳтиёж молларини сотувчи (автомобиль ҳайдовчиси), ошпаз, қандолатчи, новвой, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёлари тайёрловчиси, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёлари тайёрловчиси (автомобиль ҳайдовчиси).

Билим юрти «ЎЗБЕКБИРЛАШУВ» матлубот жамиятларида ишлайдиган малакали ишчи мутахассисларни тайёрлайди.

Ўқиш муддатлари: озиқ-овқат ва саноат моллари сотувчиси ихтисоси бўйича—1 йил; кундалик эҳтиёж моллари сотувчиси (автомобиль ҳайдовчиси) ихтисоси бўйича —1,5 йил; ошпазлик ихтисоси бўйича—1 йил; қандолатчи ихтисоси бўйича—1 йил; новвой ихтисоси бўйича—1 йил; қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёлари тайёрловчиси ихтисоси бўйича—1 йил; қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёлари тайёрловчиси (автомобиль ҳайдовчиси) — 1,5 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 16 ДАН 30 ЁШГАЧА БЎЛГАН ТЎЛИҚ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ФУҚАРОЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Танлаган касби кўрсатилган ва ўқишга қабул қилиш ҳақидаги ариза билим юрти директори номига ёзилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: етуклик аттестати (асл нусхаси) ва нусхаси, 086/Ў андозадаги тиббий шаҳодатнома, 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, меҳнат дафтарчасининг нусхаси (ишлаганлар учун), вилоят ёки район матлубот жамиятининг йўлланмаси, турар жойидан ва ота-онасининг иш жойидан маълумотнома.

Охирги 6 йил давомида юқумли касалликлар билан касалланмаганлиги тўғрисида турар жойидаги поликлиникадан маълумотнома.

Мандат комиссияси 23—25 август кунлари ишлайди. Ўқувчилар ойига 70 сўм стипендия билан, қизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш вақти меҳнат стажига киритилади.

Аъло баҳо билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларига киришда ўрта мактабни олтин медаль билан битирганда бериладиган имтиёзлардан фойдаланадилар. Билим юртини битирганлар танлаган касблари бўйича иш билан таъминланадилар.

ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР!

Матлубот жамияти ходимлари қаторини тўлғазиб, халқ учун хизмат қилишни истаганларга Тошкент вилоят матлубот жамияти ўрта ҳунар-техника билим юртининг эшиклари ҳамиша очиқ.

БИЛИМ ЮРТИГА МАРҲАМАТ!

Билим юрти маскани: 700056, Тошкент шаҳри, Путилов кўчаси, 210«а» уй. Телефонлар: 65-26-44, 65-08-55.

Билим юртига 16-автобус билан темир йўл вокзалидан, 89-автобус билан Олой бозоридан, 1-маршрутли такси билан метронинг «М. Горький» станциясидан «Касб касалликлари институти» бекатигача борилади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАРИДА — 1/VI да **Борис Годунов**, 2/VI да **Севги тумори**, 3/VI да **Дон Карлос.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 1/VI да **Табассум оқшоми**, 2/VI да **Шайтон ва мурдалар**, 3/VI да **Кампир кетармиш.**

КИНО

1 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «ҚОНУНДАН ТАШҚАРИ ОДАМ» (17, 19, 20.45).

Восток — «ҲАҚҒЎЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (21.00).

Фестиваль (ёзги) — «МЕНИНГ ЭРИМ — ЎЗГА САЙЁРАЛИК» (20.40).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «НАВИГАТОР ПАРВОЗИ», «МЕНИНГ ДУШМАНИМ» (17), «МЕНИНГ ЭРИМ — ЎЗГА САЙЁРАЛИК» (20, 21.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЗИНТА ВА ГИТА» (17, 20.00).

К. Ерматов номли — «АТИРГУЛ НОМИ» (тоқ соатларда).

2, 3 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «СИТОРА» (11), «ҚОНУНДАН ТАШҚАРИ ОДАМ» (13.30, 15, 17, 19, 20.45).

Восток — «ҲАҚҒЎЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (11, 13.30, 18.30, 21.00).

Фестиваль (ёзги) — «МЕНИНГ ЭРИМ — ЎЗГА САЙЁРАЛИК» (20.40).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «НАВИГАТОР ПАРВОЗИ», «МЕНИНГ ДУШМАНИМ» (11, 14, 17); «МЕНИНГ ЭРИМ — ЎЗГА САЙЁРАЛИК» (20, 21.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЗИТА ВА ГИТА» (11, 14, 17, 20.00).

«Ўзбекконцерт»

ДИҚҚАТ!

5 июнь соат 17.00 ва 20.00 да
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
эълон қилинган Ғ. БОЙТОЕВ ва М. ҲОЛМЕДОВ
иштирокидаги
КОНЦЕРТЛАР 12 ИЮНГА КЎЧИРИЛДИ

Концертлар бошланиш вақти ўзгармаган.

Олинган билетлар ярайди.

ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Болаларни оммавий суратда пионер оромгоҳларига олиб чиқиш муносабати билан

1 ИЮНДАН 10 ИЮНГАЧА

шаҳар ва шаҳар атрофидаги йўналишлар бўйича қатнайдиган автобуслар сони

АНЧА ҚАМАЯДИ

34-82-89 ТЕЛЕФОНИ БУЙИЧА ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ МУМКИН.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг барча турдаги шаҳар йўловчилар транспорти ишини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси.

Тошкент шаҳар, А. Икромов районидаги Ҳусайн Шамс номли 4-ўрта мактаб томонидан Джавхарова Умида Нурвохитовна номига берилган В-312119 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент фармацевтика институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари «Дори тайёрлаш технологияси» кафедрасининг мудири, доцент М. М. Миралимова онаси
Саодат МИРАЛИМОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбек давлат «Ёш гвардия» драма театри жамоаси театрнинг актёри, жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Омон Ёқубога онаси
Саодат ЗИЁДХОН қизининг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Глиэр номли жумҳурият ўрта махсус мусиқа мактаб-интернат жамоаси кекса ўқитувчи
Олим Мирзахўжаевич МИРЗАХЎЖАЕВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Медицина ва микробиология саноати Бутуниттифоқ кимё-технология илмий-текшириш институтининг жамоаси лаборатория мудири, кимё фанлари доктори Г. Ш. Толиповга отаси, академик
Шукур Толипович ТОЛИПОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги жамоаси вазирлигининг савдони ташкил қилиш бошқармаси бошлиғи П. М. Мақсудовга онаси
Ойбибинисо ОТАЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Киров ноҳияси улгуржи-чакана мева ва сабзавот комбинатининг режа бўлими бошлиғи М. Иминохўжаевнинг опаси
Мунавваргул Тўраевна САИТОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



33-29-33 — С. Б. Ёқубов, муҳаррир ўринбосари
33-57-02 — А. М. Акромов, масъул котиб
32-55-21 — А. Н. Абдуллаев, масъул котиб ўринбосари

БЎЛИМЛАР

⊙ **Партия турмуши, совет қурилиши ва шаҳар хўжалиги:**
32-57-84 — Т. М. Тошев, мудир
32-55-52 — М. О. Комилжонов, мухбир
32-53-66 — Р. З. Аҳмадалиев, мухбир
32-54-34 — Ф. А. Ҳусанова, мухбир

⊙ **Иқтисод:**
32-54-19 — Ҳ. И. Икромов, мудир
32-54-34 — В. Т. Мадимарова, мухбир
32-58-85 — А. С. Нуримов, мухбир.

⊙ **Ижтимоий масалалар:**
32-53-10 — Т. А. Расулев, мудир
32-58-85 — Р. А. Бобомуҳамедов, мухбир
32-53-66 — Д. И. Исроилов, мухбир.

⊙ **Ахборот:**
32-55-39 — Р. Н. Файзуллаев, катта мухбир

⊙ **«Маҳалладош» иловаси:**
32-53-66 — С. Б. Шодиев, мухбир

⊙ **Хатлар:**
33-29-70 — З. М. Аъзамхўжаева, мудир

⊙
32-57-74 — Т. Қ. Каримов, суратқаш-мухбир

⊙ **Эълонлар:**
33-81-42.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Яншанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

140.390 нусхада чоп этилди. **Индекс 64690. Д—2201.** Р — 04293.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.